БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9- ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 12 (2045).

17 ЯНВАРЬ ЧОРШАНБА 1962 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 тийин

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси совет кишилари ўз меҳнати билан эгаллаши лозим бўлган марраларни белгилаб берди. КПСС XXII съезди қўйган улуғвор вазифаларнинг реаллиги совет халқида асло шубҳа туғдирмайди. Лекин коммунизм қурилиши Программасини рўёбга чиқармоқ учун катта, чинакам қаҳрамонона иш қилиш талаб этилади.

ҲАР БИР СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШМОҒИ КЕРАК

Белоруссия ССР қишлоқ хўжалик ходимларининг Минск шаҳридаги кенгашида 1962 йил 12 январда

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

Қадрдон ўртоқлар!

Менинг Белоруссияга шу билан учинчи марта келишим ва ҳар сафар республикангизнинг ишчилари, колхозчилари, интеллигенцияси билан бўлган учрашувлар менга ғоят мамнун қилмоқда.

Партиямиз, қаҳрамон халқимиз ўлка қиёфасини том маъноси билан ўзгартираётганлигидан мен коммунист сифатида фахрланаман. Ўтмишда Белоруссиянинг саноати йўқ эди. Ҳозир сиз энг замонавий станокларни, автомобилларни, тракторларни, асбоб-ларни, автоматик ва яримавтоматик линияларни, ҳар хил химиявий товарларни, қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқармоқдасиз. Биз Минскда автомобилларни, тракторларни, мелиорация техникасини кўздан кечирдик. Булар ажойиб машиналардир. Бир неча йил муқаддамгина бир ярим тоннали автомашина мамлакатимизда асосий юк автомобили ҳисобланар эди. Энди бўлса сизлар 27 тонна юк кўтарадиган автосамосвалларни ишлаб чиқармоқдасиз. Дон ташийдиган ярим прицепи бўлган машина кишида яхши таассурот қолдиради. У 12,5 тонна дон таший олади. Мен бошқа ажойиб машиналарни ҳам кўрдим.

Саноатни янада ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилаётган Белоруссия ишчиларига, инженерларига, конструкторларига шон ва шарафлар бўлсин! (**Қарсаклар**).

Белорус қишлоғида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Ишлаб чиқаришнинг кўплаб талантли ташкилотчилари, коммунистик меҳнат унумдорлиги сари мардона йўл очиб бераётган деҳқончилик ва чорвачилик усталари вояга етди. Уларнинг кўплари кенгашга қатнашмоқда ва ажойиб муваффақиятлари ҳақида шу минбардан туриб гапирди.

Сиз, кенгаш қатнашчиларига, сизлар орқали эса қишлоқ хўжалигининг барча ходимларига ва бутун белорус халқига партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати номидан қизғин салом топшириб, партия XXII съезди қўйган улкан вазифаларни ҳал қилишда янги муваффақиятлар тилашимга рухсат бергайсиз. (**Давомли қарсаклар**).

КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШ ПРОГРАММАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ—УМУМХАЛҚ ИШИ

Шуни айтиш қувончлики, кенгашда колхоз ва совхоз қурилишининг донгдор ветеранлари билан бир қаторда ўз тажрибаси ва маҳоратини кейинги икки-уч йил ичида ниҳоятда кучли суратда намоён қилган қишлоқ хўжалик илғорлари қатнашмоқда. Эҳтимол, бу илғорларнинг номларини ҳали ҳамма билмаса керак, лекин ана шу кишилар коммунизм қурилиши ишига ҳозирдаёқ ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар ва улар ҳақида энг самимий сўзларни айтсак, бунга арзийдилар.

1961 йилда республикангизнинг илғор колхозчилари ва совхоз ишчилари қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида шундай ютуқларга эришдиларки, бу ютуқлар билан бутун Советлар мамлакати фахрланмоқда.

Гомель областидаги «Новоселки» совхозининг звено бошлиғи, механизатор Владимир Константинович Жудро 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан сўтаси билан бирга 1150 центнер маккажўхори кўкпояси олди. Мана сизга Белоруссия қишлоқ хўжалигининг механизаторлари учун илҳомбахш намуна. (**Қарсаклар**).

Могилев областидаги Ленин номли совхозининг механизатори Анатолий Иванович Шекунов 138 гектар майдоннинг ҳар гектаридан сўтаси билан бирга 650 центнердан маккажўхори олди. Бу, ажойиб натижадир.

Брест областидаги «Путь Ленина» колхозининг звено бошлиғи Михаил Константинович Бондарук 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 650 центнер маккажўхори пояси ва сўтаси олди.

Минск областидаги «БССР 10 йиллиги» совхозининг механизатори Константин Степанович Папко 80 гектар майдонда картошка етиштириб, ҳар гектаридан 312 центнер ҳосил кўтарди.

Брест областидаги Киров номли колхозининг бригада бошлиғи Павел Михайлович Середич 62 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 358 центнер картошка олди.

Гродно областидаги «Новая жизнь» колхозининг звено бошлиғи Ева Романовна Карачан 14 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 9,2 центнер зиғир пояси ва 8,9 центнер зиғир уруғи йиғиштириб олди.

Могилев областидаги «Серп и молот» колхозининг механизатори Владимир Ануфриевич Купцов зиғир янчадиган машинада 190 гектар ердаги узун толали зиғирни йиғиштириб берди.

Гомель областидаги «Лоевский» совхозининг механизатор чўчқабоқари Александр Иванович Доронько 2028 бош чўчқани боқиб семиртирди.

Гомель областидаги «Хальчь» совхозининг ишчиси Надежда Карповна Левшунова 93 сигирни соғмоқда, у 170 тонна сут соғиб олди.

Қишлоқ хўжалигидаги юзлаб бошқа новаторларнинг номларини айтиб ўтишга имкониятим йўқ. Улар турли ёшдаги кишилар бўлсалар ҳам, ҳаммалари белорус халқининг муносиб вакиллари бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигига эришиш учун курашда ибрат кўрсатмоқдалар. (**Қарсаклар**).

Ҳам шу кенгашда қатнашаётган, ҳам шу залда ўтирмаган юзлаб, минглаб қишлоқ хўжалигисиз ҳам тасаввур этиб бўлмайди.

Мен бир ишчининг: қишлоқ хўжалигини яхши юксалтирмай туриб, янги турмушни қуриб бўлмайди, деган гапини эшитган эдим. Бу сўзлар саноатнинг аҳамиятини асло камситмагани ҳолда қишлоқ меҳнаткашлари олиб бораётган ишнинг зўр аҳамиятини таъкидлаб туради. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирмоқдалар. Озиқ-овқат маҳсулотлари эса киши организмига қувват беради. Лекин сизлар организмнинг бақувват ҳаёт кечириши ва ривожланиши учунгина маҳсулотлар бериш билан кифояланиб қолмаслигингиз керак. Сизлар маҳсулотларни шундай ассортимент ҳамда шундай миқдор ва сифатларда етиштирмоғингиз лозимки, бунинг натижасида инсоннинг турмуши тобора гўзал ва фароғатли бўлаверсин.

Бу нарса, ўртоқлар, биз билан, сиз, қишлоқ хўжалик ходимларига боғлиқ. Ана шу катта ишга ҳар қайси республика, ҳар қайси область, ҳар қайси колхоз ва ҳар қайси совхоз ўз ҳиссасини қўшмоғи керак. Ҳар бир коммунист ва партиясиз, ҳар бир совет киши ўз меҳнати билан моддий неъматлар мўл-кўллигини яратмоғи лозим.

Сиз, Белоруссия қишлоқ хўжалик ходимлари коммунизм қурувчиларининг катта бир отрядидирсиз. Партия съезди қўйган вазифаларнинг муваффақиятли суратда амалга оширилиши кўп жиҳатдан сизларнинг меҳнатларингизга, маҳоратларингизга боғлиқ. Партиямиз коммунизм қурилишининг 20 йилга мўлжалланган Программасини тузиб берди. Мен аминманки, агар биз имкониятларимиздан яхшироқ фойдаланса-к, ана шу муддатни анчагина қисқартира оламиз, совет экономикасини анча тезроқ ривожлантира оламиз, халқ учун моддий неъматлар мўл-кўллигини ярата оламиз. (**Қарсаклар**).

АСОСИЙ ИШ—ОЗУҚА ЕТИШТИРИШ. ОЗУҚА БЎЛСА—МОЛ ҲАМ, ГЎШТ ВА СУТ ҲАМ БЎЛАДИ

Ўртоқлар! Партия XXII съезди дон, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш юзасидан яқин йилларга ва истиқболга мўлжалланган топшириқларни белгилаб берди.

Биз ана шу топшириқларни бажариш учун олга қараб тағин ҳам каттароқ қадам ташлаб боришимиз, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда йил сайин янги чўқиларга кўтарилишимиз керак. Шуни айтиб ўтиш лозимки, дон, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришнинг ҳозирги суръатлари колхозлар ва совхозлар олдига қўйилган янги вазифаларга ҳали мос бўлмаётир. Шу сабабли партия қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги камчиликларни очиб ташламоқда, барча совет кишиларининг кучғайратларини қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини жадал суръатлар билан юксалтиришга йўлламоқда.

Мен Тошкент, Целиноград, Новосибирск, Москва, Киевдаги кенгашларда қишлоқ хўжалигининг баъзи бир кечиктириб бўлмайдиган вазифалари тўғрисида очиқ, баъзан эса кескин гапириб ўтдим. Энди белорус ўртоқлар, сизлар билан ҳам гаплашиб оламиз, юракни очиб қўйиб гаплашамиз. (**Залда жонланиш**). Сўнгра, қулоққа ёқадиган нарсалар ҳақидагина гаплашмасдан, бир қанча нордон гапларни айтишга, нақлда айтилганидек, баъзи бировларнинг пўстагини қоқишга тўғри келса керак. (**Залда жонланиш**).

Сизларга шуни айтишим керакки, партия Марказий Комитети Белоруссия қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволидан мамнун эмас. Кейинги уч-тўрт йил ичида республика колхоз ва совхозлари энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда аслида бир жойда депсиниб турибдилар. Бу эса Белоруссияда қишлоқ хўжалиги соҳасида етти йиллик топшириқларининг бажарилишини жиддий хавф остига солиб қўймоқда.

Айрим рақамларни айтиб берайин. Етти йиллик топшириғига биноан 1961 йилда республикада 206 миллион пуд дон етиштирилиши керак эди. Ҳақиқатда эса 135 миллион пуд етиштирилди.

Зиғир етиштириш 1961 йилда 1 миллион 79 минг центнер бўлиши лозим эди. Ҳақиқатда эса 867 минг центнер етиштирилди.

Етти йиллик топшириғига биноан 1961 йилда колхоз ва совхозларда 14,7 миллион тонна картошка етиштирилиши керак эди. Ҳақиқатда 10,8 миллион тонна етиштирилди.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда ҳам олга қараб жиддий силжиш рўй бергани йўқ. Тўғри, колхозларда ва совхозларда етиштирилган гўштни 1953 йилда етиштирилган гўштга таққослаб кўрилса, сизларда муайян ўсиш бор. 1953 йилда колхоз ва совхозлар сўйилган вазнда 69 минг тонна гўшт етиштирган эдилар. 1961 йилда эса 148 минг тонна етиштирдилар.

Лекин, ўртоқлар, биз 1953 йилда яшаётганимиз йўқ. Ҳозир 1962 йил. Мамлакатда аҳоли сони кўпайди, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаб анча ортиб кетди. Шу сабабли ишлаб чиқаришнинг ўсишини нуқул 1953 йилга солиштириш керак эмас. Халқимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини ёлчитиб қондирмоқ учун гўшт етиштиришни йилдан-йилга кўпайтира бориш зарур. Агарда ишларнинг аҳволига шундай позициядан туриб баҳо берсак, сизлар қониқарсиз ишлаяпсизлар, деб очиқ бетингизга айтиш керак.

Мана, кейинги уч йил мобайнида колхоз ва совхозларда гўшт етиштиришнинг аҳволи қандай бўлганлигини кўринг. 1959 йилда сўйилган вазнда 140 минг тонна; 1960 йилда 148 минг тонна ва 1961 йилда ҳам 148 минг тонна гўшт етиштирилди.

Кўриб турибсизки, ҳеч қандай ўсиш деган ҳал йўқ. Давлатга сотилаётган гўшт ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Республика колхоз ва совхозлари 1959 йилда давлатга (тирик вазнда) 226 минг тонна; 1960 йилда 257 минг тонна ва 1961 йилда 239 минг тонна чорва моллари сотдилар.

Ишларингизнинг натижаси ана шундай, ўртоқлар. Уч йилдан бўён олга силжиш бўлмаяпти. Бунинг устига сизлар ҳатто эгаллаган позицияларингизни қўлдан бериб қўймоқдасиз,

Гўшт етиштириш соҳасида нима учун шундай аҳвол юз берди? Ҳамма гап озуқанинг етишмаслигидадир. Мен Белоруссиянинг баъзи ходимлари билан суҳбатлашдим. Улар: биз эътиборимизни чорва моллар туёғини кўпайтиришга қаратмоқдамиз, дедилар. Мен озуқа масаласи қалай? деб сўрадим. Бу саволга: мол бўлса, озуқа ҳам бўлади, деган жавоб беришди.

Бу—нотўғри фикр. Деҳқонлар ҳамиша: аввал дон бўлсин, кейин сичқон чиқаверади. дер эдилар. Аввал озуқа бўлсин, кейин чорва моллар туёғи ҳам бўлаверади. Бир она чўчқадан йилига 15-20 тадан чўчқа боласи олинади. Озуқа бўлган тақдирда фақат битта она чўчқа зотидан бир тонна ва ҳатто ундан ҳам кўпроқ чўчқа гўшти олиш мумкин. Демак, гап чорва молларнинг туёғида эмас. Деҳқонларнинг турмушда донишмандлик билан тутиб келган ишларига эътиборсиз қараманг. Деҳқоннинг чўчқаси болалаб, ўзимга қанча чўчқа боласини қолдирсам экан, деган масалани ҳал қилган вақтда у ўзидаги озуқанинг миқдорига қараб иш тутар эди. Бу ҳақиқатни унутиш ярамайди.

Чорва моллар, хусусан чўчқалар сони Белоруссияда кўп бўлганлигини кўрсатувчи рақамларни сизларга кейинроқ айтиб бераман. Республикангиздаги чорва моллар туёғи чорвачиликнинг ривожланишига халақит бераётгани йўқ. Лекин иллат шундаки, озуқа етишмаслигидан молларнинг кўпи нобуд бўлиб кетмоқда. Озуқанинг етишмаслиги сизларни кўплаб миқдордаги чорва моллари кичиклигидаёқ сўйиб ейишга мажбур қилмоқда.

Ўтмишда озуқанинг етишмаслиги ҳамиша деҳқоннинг офати эди. Деҳқон отим қишдан омон-эсон чиқиб олсин дебгина эмас, балки баҳорда плугни тортишга ҳам ярасин деб, даставвал, отини боқар эди. У сигирга камроқ парво қиларди. Сулининг похоли ҳам сигир учун энг лаззатли озуқа эди. Деҳқонлар якка хўжалик шароитида яшаган пайтда аҳвол ана шундай эди. Деҳқон бирон нарса қилишга ожиз бўлиб, унинг қўли калталик қиларди. Ҳозир замона батамом ўзгариб кетди. Якка хўжаликлар ўрнига колхоз ва совхозлар барпо қилинган. Уларнинг техникаси, тажрибали кадрлари бор. Бизда мутахассислар, олимларнинг бутун бир армияси вояга етди, ишлаб чиқариш шароитлари тамомила ўзгариб кетди. Эндиликда колхоз ва совхозлар ўзларига керакли миқдорда озуқа етиштира оладилар, бинобарин, энг ривож топган чорвачиликка эга бўла оладилар. Шундай шароитда улар қурувчи эмасми? Баъзан киши умуман болга урмайди ёки заводда эмас, балки лабораторияда, илмий кабинетда жуда кичкина болғачани тақиллатиб ўтиради-ю, лекин унинг коммунизм қурилишига қўшган ҳиссаси болга ураётган кишининг қўшган ҳиссасидан камлик қилмайди. Башарти, олим инсоннинг меҳнатини енгиллаштирадиган кашфиёт қилган экан, у бу кашфиёти билан коммунизм биносига бир эмас, бир неча ғишт қўйган бўлади.

Бундан меҳнатнинг ҳар қандай тури ўртасига тенглик аломати қўйиш мумкин экан, деган маъно чиқмайди. Гарчи портфель кўтариб қишлоқ Советида ишлаётган кишиларнинг лавозимига, масалан, мен ҳурмат билан қарасам ҳам, мен бу кишиларни асосий қурувчилар қаторига қўя олмайман. Қишлоқ Советининг раиси фойдали иш билан шуғулланади. Қишлоқ Совети молия ишларини бошқаради, туғилганларни, ниқоҳдан ўтаётганларни рўйхатга олади, бошқа баъзи бир вазифаларни ҳам бажаради. Лекин бу нарса қишлоқ Совети ходимининг портфелини ишлаб чиқаришда, далада, фермада, устахонада яхши меҳнат қилишга қобил бўлган кишиларнинг кўлига топшириб қўйиш керак деган маънони билдирадими. Қишлоқ Советига ёши улғайган кишиларни, мисол учун пенсионерларни ўтказиб қўйса, яхшироқ бўлмайдими. Улар пенсия билан бирга бир оз маош оладилар. Шундай кишиларнинг ишлаб турганги маъқул. Менинг ўзим пенсия ёшидаман ва ишсиз қолсанг, илгари жамиятга бериб келган фойдангни бермай қўйганингни сезсанг, кўнглинг жуда ранжиса керак, деб ўйлайман. Бу нарса кишини руҳий жиҳатдан жуда изтиробга солиб қўяди. Шу сабабли кишига иш бериб қўйилгани, у бирон иш билан овиниб юргани маъқулдир. Белоруссияда эса бу нарсани у қадар тўғри тушунмаётган кўринадилар. Сизлар ишлаб чиқаришда анча кўпроқ фойда етказиши мумкин бўлган кишиларни қишлоқ Советларига кўтариб қўймоқдасиз. Мен, ҳойнаҳой Анна Белевецни кўрарман ва, эҳтимол, у билан бафуржа гаплашарман, у аввалги ишига қайтиб борса, маккажўхори етиштирадиган бўлса ажаб эмас. (**Қарсаклар**).

Кенгашингиз ўтаётган кунлар мароқли ва сабоқли кунлар бўлди. Кишиларнинг сўзларини эшитар эканман, мен яна жуда мамнун бўлдим, хурсанд бўлиб кетдим. Янги улкан вазифаларни бажара олишингизга менда катта ишонч туғдирдингиз. Сизларнинг тажрибасини ўрганса арзийдиган усталарингиз бор, қаҳрамонларингиз бор. Уларнинг баъзиларида олтин юлдузлар ва орденлар бор, баъзилари эса ҳали бундай мукофотларни олмаган бўлса ҳам, қаҳрамон деган унвонни кўтариб юриш ҳуқуқига ўз меҳнати билан сазовор бўлган.

Кенгашда илғорларнинг бир қисмигина қатнашмоқда, колхоз ва совхозларда эса яна қанчаданқанча илғорлар бор. Кишилар билан ишлаш керак, ўртоқлар. Бу—асосий вазифа. Шуни эсда тутмоқ керакки, кишилар билан ишлаш—нутқлар сўзлаш, мурожаатлар қабул қилиш, резолюциялар ёзишдангина иборат эмас. Баъзан мурожаат самимий суҳбат, берилган яхши маслаҳатга қараганда кишига камроқ таъсир кўрсатади. Шу сабабли раҳбарликнинг идоравчилик методларига умид боғлаб бўлмайди, кишилар билан жонли суратда ташкилотчилик ишлари олиб бормоқ, кишиларга ўргатмоқ ва уларни илҳомлантирмоқ керак. Колхоз ва совхознинг раҳбари ҳар бир кишини таниши, унинг юрагидаги қувончлар ва дардларни, унинг турмуши ва меҳнатини билиши, ишда ва турмушда колхозчига ёки совхоз ишчисига кўмаклашиши лозим. (**Қарсаклар**).

БЕЛОРУССИЯ ЧЎЧҚА ГЎШТИ ЕТИШТИРИШНИ ТЕЗ КЎПАЙТИРИШИ МУМКИН ВА КЕРАК

Ўртоқлар! Чорвачиликнинг энг тез етиладиган тармоғи бўлган чўчқачиликни ривожлантиришга батафсил тўхталиб ўтмоқчиман. Чўчқалар ва паррандаларни боқиб кўпайтириш—гўшт етиштиришни тез юксалтиришнинг энг муҳим шартидир.

1961 йилда Белоруссия колхоз ва совхозларида 952 минг бош чўчқа ёки ҳайдаладиган ҳар 6 гектар ер ҳисобига битта чўчқа боқиб семиртирилди. Чўчқаларнинг қўллаб нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда. Ўтган йили республика колхоз ва совхозларида 516 минг чўчқа ёки ҳамма чўчқаларнинг 15 проценти, шу жумладан 395 минг чўчқа боласи ёки 20 проценти ҳалок бўлди. Бу нима, ўртоқлар,—нормал ҳолми, табиий ҳодисами? Йўқ, бу—озуқа йўқлигининг, чорва моллар ёмон парвариш қилинганлигининг натижасидир.

Колхоз ва совхозлар гўшт тайёрлаш планини бажармоқ учун тош босмайдиган кўп миқдордаги ёш қорамолларни сотиб юборишга мажбур бўлмоқдалар. 1961 йилда ўртача вазни 168 килограмм бўлган 499 минг бош ёш мол сотиб юборилди. Аслида гўшт тайёрлашга ғунажинлар топширилди.

Ўзи нима бўлмоқда? Сизлар она моллари боқишга меҳнат сарфлайсиз, ғунажинларни катта қилиб қўясиз, қўлингизда нақд мол бўлади. Энди ана шу навводан 170 килограмм гўшт олайликмикин ёки 300 килограмм гўшт олайликмикин? деган масала олдингизда қўндаланг бўлиб турибди. Озуқангиз етарли бўлса, сизлар озгина қўшимча меҳнат сарфлаш натижасида чорва моллар вазнини икки марта ошарасиз, вазнини икки марта оширишгина қолмай, шу билан бирга жуда яхши сифатли гўшт ҳам топширасиз.

Хўш, нима учун тош босмайдиган молларни гўштга топшириб юборяпсиз? Бунинг сири йўқ: ўша молларга едирадиган озуқага эга эмассиз. Бу моллари топшириб қутилмасангиз ўлиб кетади, қадимда айтганларидек, ажалидан беш кун илгари ўлади.

Яқинда Украина қишлоқ хўжалик ходимларининг кенгашида сўзлаган нутқимда колхозчилар ва совхозларнинг ишчиларига мурожаат қилиб, гўшт ресурсларини чорвачиликнинг энг тез етиладиган тармоғи бўлган чўчқачилик ҳисобига тўлдирмоқ ниятида чўчқаларни жадаллик билан боқиб семиртириш имкониятларини ўрганиб чиқиш ва бу йўлда чоралар кўришни улардан илтимос қилдим. Шу масала устида сизлар билан ҳам гаплашиб олмоқчиман, негаки, Белоруссия чўчқаларни боқиб семиртиришни ташкил қилишда Украинаначалик имкониятларга эгадир.

Республикангизнинг колхоз ва совхозлари ўз имкониятларини ҳисоблаб кўриб, 1962 йилда ҳайдаладиган ҳар икки-уч гектар ер ҳисобига вазни тахминан юз килограммлик битта чўчқани боқиб семиртиришни ва давлатга сотиш вазифасини қўйсалар, соз бўлур эди. Украинада икки гектар ҳисобига битта чўчқани боқиб семиртириш ва сотишни айтганимда, украинлар бу фикрни қувватладилар.

Кенгаш вақтида мен буни ўртоқ Мазуровга ҳам орасида айтиб ўтдим. Унинг фикрича, икки гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига битта чўчқани боқиб семиртириш ҳозирча белорусларга оғирлик қилади. Ўртоқ Мазуров ҳар уч гектар ҳисобига битта чўчқани боқиб семиртириш ва сотиш керак, деган рақамни айтиб ўтди. Жуда соз, қани ана шу рақамни ойдинлаштириб олайлик ва ҳайдаладиган ҳар икки-уч гектар ҳисобига битта чўчқани боқиб семиртириш ҳақидаги чақириқ билан мурожаат қилайлик. Бу масалани ҳал қилиш — хўжаликка, муҳими эса раҳбарликка боғлиқдир. Ҳайдаладиган ҳар икки-уч гектар ҳисобига битта чўчқани боқиб семиртирса бўладими?

Овозлар: Бўлади.

Н. С. Хрушчев. Белоруссия колхоз ва совхозларида 5 миллион 500 минг гектар ҳайдаладиган ер бор. Агарда икки гектар ҳисобига вазни тахминан юз килограммли битта чўчқа семиртириб сотилса, 2 миллион 750 минг чўчқа ёки 2 миллион центнер сўйилган вазнда чўчқа гўшти, яъни ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 35 центнер чўчқа гўшти сотилган бўлади.

Таққослаб кўрсатиш учун республика колхоз ва совхозлари 1961 йилда ҳайдаладиган ҳар 6 гектар ер ҳисобига битта чўчқани боқиб семиртирганликлари ва сотганликларини эслатиб ўтаман. Бу—сўйилган вазнда 583 минг центнер ёки ҳар юз гектар ҳисобига 10,5 центнер чўчқа гўшти сотилди деган гапдир. Бинобарин, ҳар уч гектар ҳисобига битта чўчқани боқиб семиртириш—сизлар учун у қадар енгил иш эмас, шу сабабли боқиб семиртириладиган чўчқалар сонини икки баравар кўпайтирмоғингиз керак.

(Давоми иккинчи бетда)

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Боши биринчи бетда)

Мен ҳайдаладиган ерларнинг ҳар 2-3 гектари ҳисобига битта чўчқани боқиб семиртирасиз деганимда 1962 йилни назарда тутиб гапиряпман. Бундан кейинги йилларда колхоз ва совхозлар ҳар гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига биттадан чўчқани боқиб семиртириш ва сотиш вазифасини қўйишлари мумкин. Бунда 5 миллион 500 минг бош чўчқа—сўйилган вазнда тахминан 4 миллион центнер ёки ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 70 центнер чўчқа гўшти етиштирилган бўлади. Белоруссияда ҳайдаладиган ҳар гектар ер ҳисобига битта чўчқани боқиб семиртириш ана шундай самара беради!

Баъзи кишилар: чўчқа болаларини қаёқдан оламиз? деб савол беришлари мумкин. Чўчқа болалари топилади, бу — проблема эмас. Ўртоқлар, мен бу масалада Москва областидаги «Кленово-Чегодаево» совхозининг директори Ўртоқ Барбашовнинг 1962 йил 6 январда «Сельская жизнь» газетасида босилган мақоласини ўқиб кўришларингизни илтимос қилар эдим. Бу мақолани ўқиб чиқиш билангина қифояланмай, ўқиётган нарсангиз устида яхшигина ўйлаб ҳам кўринг. Ўртоқ Барбашов бу масалаларни ниҳоятда яхши билади. Унинг мақоласида иштаклар айтилмаган, балки ана шу хўжаликнинг кўп йиллик тажрибаси умумлаштириб берилган. Совхозда битта асосий она чўчқа ёнига 6-7 та ёш она чўчқа қўшиб боқилади. улардан бир марта — 7-8 та бола олинади, сўнгра онаси ем билан боқилиб семиртирилгач, гўштга топшириб юборилади.

Совхоз ана шундай тартибни қўлланиб, 1961 йилда 18 минг чўчқа боласига эга бўлди. Агарда бу чўчқа болаларининг ҳаммаси боқиб семиртирилса, ҳайдаладиган ерларнинг ҳар гектари ҳисобига 5 та чўчқа боқиб семиртирилган бўлади. «Кленово-Чегодаево» совхозида ана шунча миқдордаги чўчқа болалари боқиб семиртирилмоқда. Совхознинг тажрибасини ўрганинг ва шунда ҳар бир колхоз ва совхозда зарур миқдордаги чўчқа болаларига эга бўлиш мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Чўчқа гўшти етиштиришни ташкил этишда «Кленово-Чегодаево» совхозининг тажрибасига таяниш мақсадида, бу совхоз тажрибасини ҳамма республикаларда ўрганиш мақсадга мувофиқдир, деб ҳисоблар эдим. Совхоз қўлланаётган тартиб энг арзон чўчқа гўшти етиштиришга имкон беради.

Аммо такрор айтаманки, озуқа асосий масаладир. Сизларнинг шароитингизда озуқа етиштириш проблемасини қайси имкониятлар ҳисобига ҳал қилиш мумкин? Бу проблемани сўтаси думбиллик вақтида йиғиштириб олинадиган маккажўхори, қанд лавлаги, картошка ҳисобига ҳал қилиш мумкин. Мен белорусларнинг иззат-нафсини ҳурматлаганим ҳолда, картошкани ташкаи экин деб гапиряпман. Башарти белоруса пўстлоғи билан пиширилган картошкани гапирмасангиз, буни белорус миллатига нисбатан ҳурматсизлик деб билиши мумкин. **(Залда жонланиш, қарсаклар).** Бу — молдаванга жўхори бўтқани, украинга эса чўчқа ёғини гапирмаслик билан баравардир. **(Залда жонланиш).** Биз учун ҳеч нарса озуқа экини сифатида картошканинг ўрнини боса олмаса керак. Қадим замонларда картошка подшоларнинг ҳам, гадоларнинг ҳам дастурхонини безайди, дер эдилар. Картошкани ҳар ким ҳар хил миқдорда ва ҳар хил усулда тайёрласа ҳам, уни ҳамма иштаҳа билан ейди. Биз картошка экишимиз керак. Лекин уни асосан хашаки экин сифатида эмас, балки озуқа мақсадлари учун экишимиз лозим.

Ҳозир чўчқаларни нуқул картошка бериб семиртириш — қолоқликка муккасидан кетиш деган гапдир. Чўчқаларни картошка бериб семиртиришнинг асоссиз ва иқтисодий жиҳатдан номақбул усул эканлигини ўз республикаларидан олинган мисолларда кўрсатиб беришга ҳаракат қиламан. Иқтисодий манфаат — ҳал қилувчи фактордир. Сизнинг олдингизга чўчқа гўштидан тайёрланган таомни келтириб қўйсалар, бунинг чўчқаси нима бериб боқилган—картошка берибми ёки қанд лавлаги берибми—деб сўраб ўтирмайсиз. Ҳаммадан аввал таомнинг нархини суриштирасиз. **(Залда жонланиш).** Кўпгина кишилар чўчқа қандай озуқа бериб семиртирилганини аҳрата олмайдилар, деб ўйлайман, чўчқа ёғининг баъзи шинавандалари эса агар чўчқа қанд лавлаги бериб семиртирилса ёғи хушбўйроқ бўлади, дейишади. **(Залда жонланиш).**

Озуқа учун, айниқса чўчқаларни боқиб семиртириш учун қанд лавлаги етиштириш масаласига муфассалроқ тўхталиб ўтмоқчиман. Сизлар учун қанд лавлаги янги экин эмас, у Белоруссиянинг деҳқонларига аллақачон л а р д а н маълум. Тажриба шуни кўрсатадики, республикангизда қанд лавлагидан Украинадагидан кам бўлмаган, ҳатто ундан ҳам ортиқ ҳосил олиш мумкин. Бу ерда Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Подгорний иштирок этмоқда. У қанд лавлагини яхши билади. У, сиз, белорус ўртоқлар ўз республикангизда қанд лавлагидан Украинадагига қараганда оз куч сарфлаб, юқори ҳосил олмоқдасизлар, деб тасдиқлаяпти. Украинлар эса қанд лавлаги етиштириш билан узоқ вақтлардан буён шуғулланиб келмоқдалар. Эҳтимол, Украина қишлоқ хўжалик ходимлари қанд лавлаги соҳасида кўпроқ билимга эгадирлар, бироқ Украинада қанд лавлаги етиштириш соҳасида Белоруссиядагига қараганда қийинчилик ҳам кўп. Республикангизнинг илғор хўжаликлари қулай шароитлардан фойдаланиб, яхши ҳосил етиштирмоқдалар.

Гомель областидаги «Шатилки» совхози 1961 йили 83 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 320 центнердан қанд лавлаги олди; шу областдаги «Партия XXII съезди» колхози 43 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 365 центнердан; Минск областидаги «Любанский» совхози 164 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 358 центнердан қанд лавлаги олди. Қишлоқ хўжалигининг айрим илғорлари эса ҳар гектар ердан 500-600 центнер ва ундан ҳам кўп қанд лавлаги олмоқдалар.

Мана сизларга чўчқа учун озуқа! Ҳолбуки, Белоруссияда картошкани чўчқалар учун асосий озуқа деб ҳисоблаш одат бўлган. Ҳақиқатда картошка кўпроқ фойда берадиган озуқами? Оддий ҳисоб бу саволга жавоб беради.

Кейинги йилларда республикада гектар бошига 60-80 центнердан картошка ҳосили олинмоқда. Агар бу миқдордан 25-30 центнер уруғлик чиқариб ташланса, у ҳолда 35-50 центнер қолади. Ҳар гектар ерга экиладиган уруғлик учун эса албатта 25-30 центнер, ҳатто ундан ҳам кўпроқ миқдордаги картошкани чиқариб ташлаш керак, чунки, фақат экиш учун 30 центнер картошка зарур, уни сақлаш вақтида эса бир қисми чиқитга чиқиб кетади. Сизлар картошкани сақлаш билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни мендан яхшироқ биласизлар. Ахир бу қанд лавлаги уруғи эмас-ку. Бир гектар ерга экиш учун кичик бир халта лавлаги уруғи етади.

Мана, шундай қилиб, уруғлик учун етарли миқдорда картошка қолдирилса, у ҳолда сизларнинг ҳар гектар ердан олган ҳосилингиздан 35-50 центнери ёки 12-16 центнер озуқа единицаси қолади. Бу—ҳар гектар ерга ҳосилланганда сўйилган вазнда 1,5-2 центнер чўчқа гўшти демакдир! Буни чўчқалар учун қандай қилиб асосий озуқа деб бўлади!

Мен ҳозир сизларни озуқа учун картошка экишдан воз кечишга чақиряётганим йўқ. Бироқ, қўлга қалам олиб, ҳисоб-китоб қилиб кўришинг уддасидан чиқадиган тадбирли раҳбарнинг ўзи картошкага қараганда қанд лавлаги экиш бирмунча фойдалироқ эканлигига ишонч ҳосил қилади.

Ҳар гектар ердан олинадиган қанд лавлаги ҳосилини 200-300 центнердан деб фараз қилайлик. Бу миқдор сизлар ҳозирги вақтда олаётган ҳосилингиздан кўпроқдир, бироқ хўжаликни яхшироқ бошқариш перспективасини ҳисобга олиш керак. Бу миқдордаги ҳосилни етиштириш мумкинлиги ҳақидаги фикрга сизлар қўшиласизлар, деб ўйлайман.

Масалан, бир гектар ердан 250 центнер қанд лавлаги олиш нима демак? Бу, гектаридан 80 центнер озуқа единицаси ёки сўйилган вазнда 10 центнер чўчқа гўшти олиш демакдир. Мана бу рақамларнинг маъзини чақинг: бир гектар ерга экилган картошка 1,5-2 центнер чўчқа гўшти беради, бир гектар ерга экилган қанд лавлаги эса 10 центнер чўчқа гўшти беради! Ҳисоблаб кўринглар, республикангизда 1961 йили картошка экилган 554 минг гектар майдоннинг тахминан ярмига, яъни 270 минг гектарига қанд лавлаги экилиб, гектаридан 250 центнердан ҳосил олинганда, бу қанча гўшт етиштириш имконини берар эди?

Бир гектар қанд лавлаги 250 центнер ҳосил берганида, юқорида айтилганидек сўйилган вазнда 10 центнер чўчқа гўшти олиш имконини беради. 270 минг гектар қанд лавлаги эса ҳосил миқдори юқоридагидек бўлганида сўйилган вазнда 2 миллион 700 минг центнер чўчқа гўшти демакдир. Республиканинг колхоз ва совхозлари 1961 йили сўйилган вазнда 1 миллион 480 минг центнер гўшт етиштирганликларини эслатаман. Шундай қилиб, фақат 270 минг гектар картошка ўрнига қанд лавлаги экиб, гектаридан 250 центнердан ҳосил олинганида Белоруссия колхоз ва совхозлари ҳозирги вақтда барча ер ҳисобига етиштираётган гўштга нисбатан икки баравар кўп гўшт етиштириш имкониятига эга бўладилар.

Агар қанд лавлагининг гектаридан олинадиган ҳосилни «Рассвет» колхози гектаридан олаётган 606 центнер деб ҳисобланса, у ҳолда бир гектар ердаги қанд лавлагидан 24 центнер чўчқа гўшти олиш мумкин. 270 минг гектар — бу сўйилган вазнда 6 миллион 480 минг центнер ёки ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 118 центнер чўчқа гўшти демакдир.

Афтидан, сизлар экин майдонининг ҳаммасида бирданига гектаридан 600 центнердан қанд лавлаги ололмайсизлар. Бироқ биз ҳамма ерни эмас, балки фақат 270 минг гектар майдонни олаётирмиз, сизларда эса 5.500 минг гектар ҳайдаладиган ер ишланмоқда. Айтайлик, сизларда гектаридан олинадиган қанд лавлаги ҳосили 600 центнер эмас, балки тахминан 300 центнер бўлади. Шунда юқорида кўрсатилган миқдорда чўчқа гўшти етиштириш учун 270 минг гектар эмас, балки 540 минг гектар қанд лавлаги экишга тўғри келади. Агар гектаридан 200 центнердан қанд лавлаги олсаларингиз, бу ҳолда 6 миллион 480 минг центнер чўчқа гўшти етиштириш учун 270 минг эмас, балки 810 минг гектар, яъни уч баравар кўп қанд лавлаги экишга тўғри келар эди.

Кўриб турибсизки, сизлар яқин йиллар ичида фақат қанд лавлаги ҳисобига сўйилган вазнда 6 миллион 480 минг центнер ёки ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда 118 центнердан чўчқа гўшти етиштириш имкониятига эгасизлар. Ўтган йили эса, юқорида айтиб ўтилгандек, республикангизнинг колхоз ва совхозлари сўйилган вазнда 1 миллион 480 минг центнер ёки ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига 24 центнердан гўшт етиштирдилар. Бироқ сизларда бош қа экинлар ҳам экилади, дон хўжалигининг чиқиндилари бўлади. Бинобарин, колхоз ва совхозлар кўп миқдорда гўштларни бошқа хил озуқалар билан ҳам етиштирадилар. Шу сабабли сизлар учун ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда сўйилган вазнда 150 центнердан гўшт етиштириш вазифаси тўла равишда ҳал қилиниши мумкин бўлган вазифадир.

1961 йили Белоруссиянинг колхоз ва совхозлари ҳайдаладиган ерларнинг ҳар юз гектарига ҳисоблаганда сўйилган вазнда 24 центнердан гўшт етиштирдилар. Қанд лавлаги ҳосилдорлигининг «Рассвет» колхози эришган даржасида гўштнинг бундай миқдорини, яъни ҳар юз гектар ерга ҳисоблаганда 24 центнер гўштни фақат бир гектар қанд лавлаги ҳосилига, ҳосилдорлик 250 центнер бўлганда эса икки ярим гектар қанд лавлаги ҳосилига етиштириш мумкин.

Гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг имкониятлари, резервлари ана шундан иборат, ўртоқлар.

Сизларнинг баъзи бирларингиз: сенга гапириш осон! дейишингиз мумкин. Йўқ, менга ҳозир камчиликлар ҳақида гапириш унчалик ёқимли эмас. Сизларни танқид қилишдан кўра, мақташ яхшироқ бўлур эди. Ёқимли гапириш ҳамма вақт яхши. Бироқ, мен сизларга ҳақиқатни тўппа-тўғри юзингизга айтиб беришим керак. Ҳақиқатни мен айтмасам, ким айтади? Нима, мен белорус раҳбарларга: «Сизлар қандай ақлли, қандай чиройли кишиларсиз!» дейишим керакдир. Ҳақиқатда сизлар ҳам ақлли, ҳам чиройли кишиларсиз, бироқ хўжаликка ҳали ёмон раҳбарлик қилаётирсизлар. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

Мен келтирган ҳисоб-китобларда қанд лавлагининг ҳосили гектаридан 250 центнер қилиб олинди. Республика бу миқдордаги ҳосилни олмаётир, деб айтишлари мумкин. Сизлар ҳақиқатда кам ҳосил олмоқдасизлар. Бироқ амалда эришилган ҳосилдорлик даражасида ҳам қанд лавлаги озуқа экини сифатида картошкага нисбатан устунликка эга эканини кўрсатмоқда.

Тегишли маълумотларни келтиришга ижозат этингилар. Республиканинг колхоз ва совхозлари ўтган йили ҳар гектар ердан 80 центнердан картошка олдилар. Бундан 30 центнер уруғликни чиқариб ташлаш керак. 50 центнер ёки 1500 озуқа единицаси қолади. Сўйилган вазндаги бир килограмм чўчқа гўшти учун 8 озуқа единицаси ҳисобга олиш қабул қилинган. Бинобарин, 1961 йили экилган бир гектар картошка 1,9 центнер чўчқа гўшти етиштириш имконини беради.

Ўтган йили республикада чорва моллари боқиш учун экилган бир гектар ердаги қанд лавлагидан 103 центнердан ҳосил олинди. Бу — 3600 озуқа единицаси, Қанд лавлагининг бир гектари ҳатто ҳосил ана шундай кам бўлганида ҳам сўйилган вазнда 4,5 центнер чўчқа гўшти етиштириш имконини беради.

Колхоз ва совхозларда қалдшакар учун экилган қанд лавлагининг гектаридан 153 центнердан ҳосил ёки 5300 озуқа единицаси олинганлигини менга республика раҳбарлари айтишди. Қанд лавлагининг гектаридан бу миқдорда озуқа олиш 6,6 центнер, яъни картошканинг гектаридан олинганига нисбатан уч баравардан кўпроқ чўчқа гўшти олиш имконини беради.

Молларни боқиш учун қанд лавлаги ўстириш — гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг асосий резерви. Умумий чақириқлар билан чегараланмаслик, балки ана шу мақсадни кўзлаб интилиш керак.

Бироқ, айрим кишиларда афтидан эски одатлар ҳали кўпроқ сақланиб қолганга ўхшайди. Бу ерда Гродно областидаги «Россия» колхозининг раиси Ўртоқ Ковальчук чиқиб сўзлади. У хўжаликни яхши бошқармоқда. Бу колхозни бошқа кўп хўжаликларга намуна қилиб кўрсатиш мумкин. Бироқ, Ўртоқ Ковальчук ҳам, эҳтимол, эскилик тасаввурларидан қутулолмаганга ўхшайди. Колхоз қанд лавлагидан юқори ҳосил олаётганига қарамай, Ўртоқ Ковальчук молларни боқиш учун барибир картошка экиш керак дейди.

Мен Ўртоқ Ковальчукка қайсиси фойдали эканлигини ҳисоб-китоб қилиб кўришни ва молларни боқиш учун қанд лавлаги етиштиришга киришишни тавсия этар эдим. Сизлар ҳозир картошканинг гектаридан қанча ҳосил олаётирсизлар?

Г. П. Ковальчук. 170 центнер.

Н. С. Хрушчев. Мана кўряпсизми, сиз картошканинг гектаридан 170 центнердан, қанд лавлагининг гектаридан эса 328 центнердан ҳосил олаётирсиз. Сизнинг арифметикадан хабарингиз борми?

Г. П. Ковальчук. Аллақачон ўзгартишлар киритилган.

Н. С. Хрушчев. Киритилган? Демак, мен сизни кузатиб боришим ва сиз планга ўзгартишлар киритишингизни айтиб туришим лозим экан-да. **(Залда жонланиш, қарсаклар).**

Ҳозирги вақтда қанд лавлагини биринчи ўринга чиқариш лозим. Хрушчев йўлини ўзгартиряпти, илғари у маккажўхорини биринчи ўринга қўяр эди, эндиликда эса қанд лавлагини биринчи ўринга қўяяпти, бу нима гап деб айтишларингизни мумкин. Йўқ, биз қанд лавлагини маккажўхорига қарама-қарши қўяётганимиз йўқ. Қанд лавлаги ҳам, маккажўхори ҳам қишлоқ хўжалиги учун керакли экин. Бироқ, агар бугунги кунда қанд лавлаги ҳақида кўпроқ гапиришга тўғри келаётган бўлса, бунинг сабаби батамом маълум. Қанд лавлаги қимматли озуқа экини сифатида ҳозирги вақтда Белоруссияда ҳам, мамлакатимизнинг бошқа республикаларида ҳам қатъиятлик билан пропаганда қилинишга ва жорий этилишга муҳтождир. Биз молларни боқиш учун қанд лавлаги ўстириш ҳақидаги масалани атиги икки йилдан буён чинакамига ўртага қўяётирмиз, маккажўхори билан эса анча вақтдан буён шуғулланиб келмоқдамиз. Албатта, ҳамма ерда ҳам маккажўхори етиштириш соҳасидаги ишнинг аҳволи яхши эмас. Ва барибир колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари маккажўхори экишнинг зарурлигини озми-кўпми яхши тушуниб олдилар, чорва молларни боқиш учун қанд лавлаги экишнинг аҳамиятини эса ҳали кўп кишилар тушуниб олганлари йўқ.

Қанд лавлаги озуқалик қиммати жиҳатидан юқори туради. Бу жиҳатдан ҳатто макажўхори ҳам у билан мусобақалаша олмайди. Тўғри, қанд лавлагига маккажўхорига нисбатан кўп меҳнат сарфланади. Маккажўхорини етиштиришда механизацияни қўлланиш енгил. Бизда ҳозирги вақтда маккажўхори етиштириши — уни экишдан тортиб ўриб олишгача бўлган ишларни тўла равишда механизациялаш имконини берадиган машиналар бор. Шу сабабли маккажўхори озуқаси энг арзон бўлади.

Маккажўхорининг имкониятлари чексиздир. Тошкент яқинидаги «Политотдел» колхозининг бригадири Люба Ли гектаридан 1967 центнердан сўтали маккажўхори кўкпояси олди. Мен бу колхозда бўлдим, маккажўхорини кўрдим. Ў худди ўрмонга ўхшайди. Афтидан, бу хилдаги маккажўхори фақат сугориладиган ерларда уруғ мослаб танланганда ўстирилиши мумкин. Маккажўхори қудратли экин бўлиб келди ва ҳозир ҳам ана шундай қудратли экин бўлиб қолади ҳамда далаларда ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди. Бироқ, қанд лавлаги маккажўхори фақат бир сафда бориши керак. Сўнгра бу сафга дуккакли экинлар — нўхат, озуқабоп дуккакли экинлар, люпин қўшилиши лозим.

Ер ерда чиқиб сўзлаган кўпчилик кишилар люпин қимматли экин эканлиги ҳақида гапиришди. Мен ҳам люпинни етиштиришни ҳар тарафлама ривожлантириш керак деб ҳисоблайман. «Россия» колхозининг раиси Г. П. Ковальчук ажойиб тажриба билан ўртоқлашди. У чучук люпин экиш, уни силос учун ўриб олиш, сўнгра эса ўрнига жавдар бугдой экиб, дон олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди. Натижада колхоз икки йил ичида ҳар гектар ердан аччиқ люпин экиб, уни ўриб олгач ўрнини ҳайдаб, жавдар бугдой экандагига нисбатан икки баравар кўпроқ озуқа единицаси олади. Бироқ, бу масала хўжалик жиҳатидан мақсадга мувофиқ, иқтисодий фойда келтирадиган масаладир. Ҳамма нарсани қўлга қалам олиб баҳолаш, хўжалик учун нимаики фойдали бўлса, уни экиш керак. **(Қарсаклар).**

Озуқабоп дуккакли экинлар энг қимматли экин ҳисобланади. Ана шу экинларга колхоз ва совхозларининг далаларида кенг ўрин бериш, бу соҳадаги қолоқликни тугатиш керак.

Гречиха ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман. Ўзларингиз биласизларки, бу қимматли экин. Бироқ бугун мен сизларни зарур миқдордаги гречиха олиш масаласини фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисобига ҳал қилиш мумкин эмаслиги ҳақида огоҳлантириб ўтишни истар эдим. Экин майдонларини кенгайтириш йўлидан эмас, балки ҳосилдорликни ошириш йўлидан бориш керак. Янги навларни жорий қилиш устида қунт билан ишлаш, гречихадан мўл ҳосил етиштириш тажрибасини эгаллаш зарур.

Кенгашда транспорт етишмаслиги сабабли қанд лавлаги ҳосилини ташиш вақтида колхоз ва совхозлар дуч келаётган қийинчиликлар ҳақида гапирилди. Бизда ҳақиқатан машиналар етишмайди. Бироқ, бу колхоз ва совхозларнинг қанд лавлаги етиштиришни кўпайтириш соҳасидаги куч-ғайратини тўхтатиб қўймаслиги лозим. Транспорт соҳасидаги қийинчиликни қандай йўл билан бартараф қилиш керак? Афтидан, қазиб олинган лавлагини бевосита далада сақлаш, уни ғарам қилиб кўмишни ташкил этиш керак бўлади. Сўнгра эса қиш давомида аста-секин фермаларга ташиб келтириш ва молларга едириш керак. Бу, лавлагининг бутун ҳосилини истеъмол қилинадиган жойга бирданига ташиб келтиришга қараганда ноқулай, албатта. Бироқ ҳозирча транспорт кам, қанд лавлагини ғарам қилиб кўмиш юз берган аҳволдан қутулишнинг яхши йўлидир.

МАККАЖЎХОРИДАН ДУМБУЛ СЎТАСИ БИЛАН МЎЛ ҲОСИЛ ЕТИШТИРАЙЛИК

Кенгаш қатнашчиларининг сўзларида маккажўхорига катта эътибор берилди. Бу экиннинг аҳамияти ҳаммага маълум, унинг аҳамиятини ҳеч ким йўққа чиқармайди. Лекин маккажўхори етиштиришда янада юқорироқ погонага кўтарилиш, сизнинг шароитингизда ҳамма жойда маккажўхорининг думбул сўта беришига эришиш керак. Бу эса гўшт етиштиришни кўпайтиришда жуда катта резервларни очиб беради.

Маккажўхори ва қанд лавлаги Белоруссия қишлоқ хўжалигини мамлакатдаги энг бой қишлоқ хўжалигига айлантиради. Сизнинг республикангиз чорвачиликни ривожлантиришда Совет Иттифоқидаги қардош республикалар ўртасида биринчилар қаторидан жой олиши мумкин ва керак. Бунинг учун сизларда барча имкониятлар бор.

Эндиликда маккажўхори етиштиришдаги муваффақиятларга гектаридан олинган кўкпоя миқдорига қарабгина эмас, балки сифатига қараб: гектаридан қанча думбул сўта олинганлигига қараб баҳо бериш керак.

Масалан, немислар озуқабоп экинлар ҳосилини крахмал эквиваленти билан баҳолашлари маълум. Улар у ёки бу экининг гектаридан қанча миқдорда ҳосил олинганлигини гапириб юрмайдилар, балки қанча крахмал олинганлиги тўғрисида гапирадилар. Бу жуда тўғридир. Хўжаликка сув эмас, ем-хашак керак. Бизда ёса айрим хўжаликлар кўплаб кўкпоя олмоқдалар, уни ташиш учун катта-катта маблағларни сарф қилмоқдалар, ем эса жуда оз, чунки маккажўхорини сўтаси бўлмаса ҳам ўриб олавердилар. Сўтаси бўлмаган маккажўхори силоси яхши озуқа ҳисобланмайди.

Белоруссия илғор колхоз ва совхозларининг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, республикангизда думбул сўтагина эмас, ҳатто маккажўхори дони ҳам олиш мумкин. Гомель областидаги «Октябрь» артелининг колхозчилари 60 гектар ерининг ҳар гектаридан 43 центнердан маккажўхори дони ва 148 гектар ерининг ҳар гектаридан 856 центнердан думбул сўтали кўкпоя олдилар. Шу областдаги «Партия XXII съезди» колхозида гектаридан 37 центнердан маккажўхори дони олинди. Витебск областидаги «Красная Армия» колхозида 75 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 672 центнердан маккажўхори олинди. Могилевск областидаги «Рассвет» колхозининг аъзолари ўтган йили 470 гектар ерда маккажўхори етиштириб, гектаридан 510 центнердан ҳосил олдилар.

Гроднен областидаги «Гвардия» колхозининг механизаторлари ҳам маккажўхори етиштиришни яхши биладилар. Улар ўтган йили 200 гектар ернинг ҳар гектаридан 600 центнердан маккажўхори олдилар. Кенгашда шу колхознинг раиси А. М. Воронецкий сўзга чиқди. У маълумоти бўйича ўқитувчи, илғари педагогик ишлар билан шуғулланган. Энди эса колхозга келиб, ишни ўрганиб, хўжаликни моҳирлик билан бошқармоқда. Ўртоқ Воронецкийнинг колхоз меҳнаткашларининг ютуқлари ҳақида ишнинг кўзини билган ҳолда ва эҳтирос билан айтган сўзларини тинглаш жуда ёқимли.

Афсуски, Белоруссиянинг кўпчилик колхоз ва совхозларида маккажўхоридан кам ҳосил олинмоқда, энг муҳими—сўта олинмаяпти. Бултур республикада гектаридан ўртача 155 центнердан кўкпоя олинди. Бунда маккажўхори одатдагидек сўтасиз йиғиштириб олинди. Бу—колхоз, совхоз, район, область раҳбарлари учун жиддий айбномадир. Сизлар йиғиштириб олинган маккажўхори тонналари ҳақида гапиряпсиз, аслида эса сув йиғиштириб олгансиз. Сигирлар тилга кирганда эди улар маклисга келиб колхоз раисига, совхоз директорига, район партия комитетининг секретарига: нега сиз олинган озуқа тоннаси ҳақида вайсайсиз: сиз ем-хашак эмас, балки сув тайёрлагансиз. Тоннанинг ўзи кўп-у, ейдиган нарса йўқ деган бўлур эди **(залда жонланиш).**

Бу ерда қишлоқ хўжалик фанлари кандидати С. И. Тишков сўзга чиқди. У Белоруссия ерларида маккажўхорини жорий этиш устида самарали ишламоқда. У фойдали маслаҳатлар берди. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари бу маслаҳатларга қулоқ солишлари лозим. У маккажўхорини қалин экишнинг зарари ҳақида тўғри гапирди.

Сизларнинг Белоруссиянгизда маккажўхорини қалин экиш керак, деган фикр бошқа жойлардагига нисбатан кўпроқ тарқалган. Бу масала юзасидан кўпгина «илмий ишлар» ёзилган. Деҳқончилик институти турли усулда экилганда ўсимликлар қалинлигининг маккажўхори ҳосилига қандай таъсир қилишини ўрганди. Тажрибалар колхоз ва совхозларда эмас, балки эгатларда ўтказилди. Қуйидаги хулоса ана шу ишларнинг натижасидир:

«Ўртапишар навларда ҳар гектар ердаги ўсимликларни 40 минг тупдан 120-160 минг тупга, кечпишар навларда асосан 120 минг тупга етказиш—экин ҳар қандай усулда экилганда ҳам кўкпоя ва қуруқ масса ҳосилини кўпайтиради». (Институт илмий асарлар тўплами, 6-нашри, 1960 йил, 242 бет).

Маккажўхорини қалин экишни ҳаётнинг ўзи аллақачон улоқтириб ташлаганига қарамай, авторлар маккажўхорини ҳар бир уяда 6-8 тупдан қолдириб экишни яна тавсия этмоқдалар.

Белоруссия Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг доценти Ф. И. Лишченко сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи жамият Могилевск область бўлимига юборган лекциясида қуйидагиларни ёзади:

«Маккажўхори етиштиришни комплекс механизациялаш учун экин экишда ҳар бир уяда тўрт ўсимлик қоладиган қилиб 70х70 сантиметрлик квадрат ҳосил қилишни кўзда тутиш лозим».

Ўртоқ Лишченко кеча менга юборган хатида ҳар уяда олти туп ўсимлик қолдирилган тақдирдагина маккажўхоридан энг юқори ҳосил олиш мумкин деб исботламоқчи бўлади. У ушбу хатга жавоб беришни сўраган.

Сиз, ўртоқ Лишченко, очиқ эшикни очишга уриняпсиз, Маккажўхори қалин экилса, сўта чиқармаслиги, ҳатто мутлақо бўлмаслиги аллақачон тажрибада исбот қилинган. Маккажўхорининг биологик хусусияти шундай. Мен бир вақтлар академик Т. Д. Лисенконинг шу масалага оид мақоласини ўқиган эдим. У маккажўхори ўз-ўзидан яганаланиш хусусиятига эга эмас, шунинг учун ҳам бу экин қалин экилса, сўта ҳосил қилмайди, деб ёзган эди. Ўртоқ Лишченко, сиз бугун тушунолмаётган нарсалар кўп деҳқонларга бундан юз йил муқаддам ҳам маълум эди. Орлов губерна ведомостларида 1862 йил 10 мартда босилган мақоланинг бир қисмини ўқиб бермоқчиман. Бу мақолада гап маккажўхори етиштириш тўғрисида боради. Ҳозир бизда баъзи олимлар квадрат-уялаб экиш усули тўғрисида диссертация ёзмоқдалар, буни ўз кашфиётлари деб ҳисобламоқдалар. Лекин бу кашфиётнинг, ҳозир ўзингиз ҳам билиб оласиз, бир асрлик тарихи бор.

Бу ерда гап бораётган мақола «Маккажўхори етиштириш ва ундан олинадиган фойда ҳақида» деб аталади. Такрор айтаманки, бу мақола 1862 йилда босилган. Унда қуйидагилар ёзилган:

«Кенг миқёсда маккажўхори экиш учун аввало омоч билан оралиғини бир газу чорак қилиб, бир-бирига параллель саёз эгат олиш керак; кейин бу эгатларни бошқа худди шу каби эгат билан кўндалангига кирқиш керак. Токи тўғри бурчак ҳосил бўлсин ва бу эгатларнинг ораси ҳам бир газу чорак бўлсин. Шундан кейин эгатлар туташган жойга уч донадан дон ташлаб, устини юмшоқ тупроқ билан кўмиш керак».

Маккажўхорини квадрат-уялаб экиш усули қадимдан ана шундай маълум эди. Ўтган вақтни ҳам ҳосилга олиш керак, албатта. Эндиликда биз ерни омоч билан эмас, трактор билан ҳайдаймиз, газ билан эмас, метр билан ўлчаймиз, қўл билан эмас, сеялка билан экамиз. Лекин гапнинг моҳияти бир принцип тўғрисида бормоқда.

Маккажўхорини бир газу чорак —бир газу чорак қилиб квадрат шаклида экиш нима дегани? Бу 90х90 сантиметрли квадрат ҳосил қилиш ёки бир гектар ерда 12 минг уя бўлиши демакдир; ҳар уяда учтадан ўсимлик бўлса, гектарида 36 минг туп ўсимлик бўлади.

Биз эса маккажўхорини 70х70 сантиметр схемасида экмоқдамиз. Бунда ҳар гектарида 20 мингта уя бўлади. Ҳар уяда 1-2 ўсимлик қолдирилса, бир гектар ерда юқоридаги каби 36 минг туп ўсимлик бўлади. Украинада квадрат-уялаб экиш масаласини ҳал қилаётганимизда бир неча жанубий районлар учун 70х70 сантиметрли квадрат эмас, балки 90х90 сантиметрли квадрат ва ҳатто оралиғини бир метр-бир метр қилиб экишни тавсия қилганимиз эсимда. Чунки, у ерларда нам етарли эмас. Бироқ мен иссиқлик ва нам кўп бўлган жойларда ҳам сийрак экиш керак деб ҳисоблайман. Масалан, Ўзбекистонда илғор колхозлар гектаридан 2000 центнерга етказиб кўкпоя олмоқда. Сугориладиган ерларда маккажўхорининг бўйи 5 метрга етади. Лекин у ерда ҳам маккажўхори қалин экилса, ҳатто 70х70 сантиметрли квадратда ҳам сўталар оз бўлади. Шунинг учун ҳам мен ўзбек маккажўхорикорларига квадратларнинг турли схемасини синаб кўришни маслаҳат бердим. Квадрат ҳажмини белгилашда конкрет маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш керак.

Колхозчилар маккажўхорини яганалаш вақтида одатда ортиқча ўсимликни олиб ташлашга кўрқадилар. Уларнинг баъзиларига агар уяда битта ўсимлик қолса мўл ҳосил олиб бўлмайдигандек туюлади. Бу нотўғри тушунчадир, албатта. Келинг, шундай ҳисоб қилиб кўрайлик. Бир гектар ерда 30.000 туп ўсимлик бўлиб, ҳар бирида биттадан сўта бор дейлик. Бу сўта энг камида — юз грамм дон берсин. Шунда ҳам гектаридан 30 центнер маккажўхори дони олинади. Демак, ҳар туп маккажўхорида иккитадан сўта бўлса, гектаридан 60 центнер дон олинади. Агар бир сўтада юз грамм эмас, икки юз граммдан дон бўлса, бир гектар маккажўхоридан 120 центнер дон олиш мумкин! Қишлоқ хўжалик илғорлари ана шундай ҳосил олмоқдалар.

Ҳар бир уяда олти туп ўсимлик қолдириб, мутлақо сўта олмасликнинг бизга нима кераги бор. Ахир бундан юз йил муқаддам ишни биладиган кишилар маккажўхорини қалин экиб бўлмайди, деб деҳқонларни огоҳлантиришган-ку.

Ўртоқ Лишченко, шу масала юзасидан Орлов губерна ведомостларида босилган ўша мақоланинг автори нималар деганига қулоқ солинг. Агар маккажўхори қалин экилса, «...поялари баҳувват ва баланд ўсиб ҳамда бир-бирига жуда яқин бўлиб, шундай соя ташлайдики, бу уруғликнинг чангланишига ва етилишига зарар етказади ҳамда тупроқнинг атмосфера элементларини сўриб олишига тўсқинлик қилади».

Ана шундай, ўртоқ Лишченко, маккажўхори эккан экисиз, бундай гапириш ва бундай хулосалар чиқаришдан олдин ота-боболаримиз тажрибасига бир қараб кўйнш ва ўрганиш, тажрибали кишилардан бу экинни етиштиришни ўрганиб олишингиз керак эди. Етти ўйлаб бир сўзла

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ НУТҚИ

(Бошы иккинчи бетда).

Куч ва маблағлар кўпинча ун-чалик аҳамиятга эга бўлмаган темаларни ишлаб чиқишга сарфланмоқда. Масалан, Белоруссия ССР Фанлар академияси Биология институтининг илмий ходимлари Гуренович ва Трухановский ўртоқлар Белоруссия учун экзотик ҳисобланган «амур бахмали» дарахтининг аҳамиятини узоқ вақтдан буён ўрганмоқдалар. (Залда жонланиш).

Бу дарахт Узоқ Шарқда, Японияда ўсади. Институт олимлари Белоруссияда ана шундай дарахтни ўстиришга қарор қилишибди. Мамлакатимизга «амур бахмали» ҳам керак, албатта. Эҳтимол, бундай илмий тадқиқотни пўпак дарахти учун қулай шароит бўлган жойда ўтқазиш мақсадга мувофиқ бўлар.

Биология институти чиқарган (директори Ўртоқ Турбин) айрим илмий хулосалардан кулгингиз қистайди. Институтнинг 1961 йилда нашр этилган олтинчи бюллетенида бундай деб ёзилган:

«Бахмални республикамизнинг ўрмонларига жорий этиш учун ўрганар эканмиз, бар-гларининг ўзига хос кучли ҳидига ва айниқса унинг жуда ёпишқоқ мевасига доимо эътибор бердик. Кўчатзордан қуённи тез-тез ҳайдаб чиқаришга тўғри келди, қуён кучли ҳид таратадиган ёш бахмал дарахти ниҳоллари орасида ухлашни яхши кўрса керак». (Залда шодиёна жонланиш).

Илмий асарда яна шундай дейилади:

«Лаборатория ходимлари бахмал ўсимлиги ва меваси устида ишлаган вақтларда уларнинг жуда уйқуси келар эди». (Залда кулги).

Бундай сатрларни ўқиганингда кулгинг қистайди эмас, балки ҳафа бўлиб кетасан. киши. Бу — айрим олимлар ҳаётдан, практикадан ажралиб қолган ҳолда ишлаётганликларидан далолат беради.

ЯНА ДЕҲҚОНЧИЛИКНИНГ ЎТ-ДАЛАЛИ СИСТЕМАСИ ҲАҚИДА

Ўртоқлар! Новосибирскда, Москвада ва Украинада ўтказилган кенгашларда деҳқончиликнинг ўт-далали системасини қўлланиш қишлоқ хўжалигига қанчалик зарар етказганлиги ҳақида гапирган эдим.

Шу масала тўғрисида яна гапириб ўтмоқчиман. Шуни ҳисобга олиш керакки, ўт-далали системанинг илдизларини қўпариб ташлаш осон эмас, энг муҳими эса — ишни қайта қуриб олиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг туб масалаларига жавоб бердик ва ана шундан кейин ишлаб чиқариш ва колхоз, совхозларга ҳақиқатда чорвачиликни бошқаришнинг отабоболардан қолган усулига кўчишни маслаҳат бериш уят эмасми. (Қарсаклар) Бу ўринда «Чапаев» кинофильмининг қаҳрамони Анканинг тили билан гапиргинг келади. Эсларингда бордир. Петька унга пулеметнинг тузилишини кўрсатади. Ўзи эса Анкага бошқача кўз билан қарайди. Шунда Анка унинг елкасига бир муштлаб: «Пулеметни ўргат, шайтон!» дейди. Ҳалиги олимлар ҳақида ҳам ана шундай дейиш керак: ақл-заковатни илгор кишиларимиздан ўрганинг. (Залда жонланиш. Қарсаклар).

Олимларнинг аризасида яна бундай дейилади:

«Биз КПСС XXII съездида ҳосил бермайдиган ўт-далали система шаънига айтилган кескин гаплар қишлоқ хўжалик раҳбарларимизни тўғри йўлдан тойдириб юбормаса, деб кўрқамиз. Бутун ерларнинг камида 50 процентини ўт-далали майдонга ажратиш тўғри йўлдир. Бу бизнинг ихтисослашиш йўлимиздир, табиатнинг ўзи бизни ана шу йўлга солмоқда... Биз республикадаги мавжуд ўт-далали майдонлар сақланиши ва ўт-далали майдондан олинадиган озуқанинг ҳажми умумий озуқа балансида доим кўпайиб бориши керак деб ҳисоблаймиз».

Ўт-далали система тарафдорларининг ақидаси ана шундан иборат. Колхозлар ва совхозлар бу маслаҳатга амал қилади, деб бир минут тасаввур қилиб кўринг. Хўш, шунда нима бўлади? Ўт бўлади-ю аммо мамлакатда галла, гўшт, сут бўлмайди. Халқни нима билан боқиш, аҳолини таъминлаш учун озиқ-овқатни қаердан олиш керак бўлади?

Ўз хўжаликларини ўт-далали система асосида бошқараётган қишлоқ хўжалик илмий-текшириш институтларини олиб кўринг. Уларда чорвачилик бор, концентрат озуқани эса давлатдан олишмоқда. Хулдас, фан бизники, боқадиган эса амакимиз, қабилида иш бўлмоқда. Булар қанақа олимлар ўзи, бундай тавсия берадиган олимларни ким ҳурмат қилади?

Айрим олимлар ўт-дала ботқоғига ботиб қолишди, уларни ботқоқдан тортиб олиш керак. (Қарсаклар).

Партия ва совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, айниқса, ўт-далали система кўпқат қанд лавлагига айлантириб ҳисоблаб бермоқдаман.

Ана шу рақамлар устида ўйлаб кўринг, ўртоқлар. Республикада галла майдони 800 минг гектар камайиб кетибди! Ўртоқ Мазуров сизнинг кўзингиз қаёқда эди, республикага ким раҳбарлик қилмоқда — партия Марказий Комитети ва Белоруссия Министрлар Советими ёки ўт-далали система тарафдорларими?

Биз қўриқ ерларни ўзлаштириб, у ерда арзон дон ола бошлаганимиздан сўнг партия ва ҳукумат Россия Федерациясининг қора тупроқли бўлмаган марказий зонасида, Белоруссияда, Болтиқ бўйи республикаларида ва бошқа айрим районларда дон харид қилишни кескин камайтириш тўғрисида қарор қабул қилдилар. Бунда, колхоз ва совхозларда қоладиган дондан чорвачиликни ривожлантириш, гўшт етиштиришни кўпайтириш учун фойдаланилади деб кўзда тутилган эди.

Лекин буни Белоруссия республикаси раҳбарлари қандай тушунишди? Улар аслида дон етиштириш билан шуғулланмай қўйишди. Ўт-далали система тарафдори бўлган олимлар колхоз ва совхозларни ўт-далачилик йўлига буриб юбордилар, раҳбарлар эса масаланинг моҳиятини тушунib етмасдан шундай олимларга эргашдилар. Бу, ёмон оқибатларга олиб келди.

1961 йилда Белоруссия колхоз ва совхозлари 5 миллион 500 минг гектар ҳайдаладиган ер бўлгани ҳолда, давлатга 15,7 миллион пуд дон сотдилар. 1 миллион 325 минг гектар ҳайдаладиган ерга эга бўлган Украинанинг қўшни Чернигов области эса давлатга 18,9 миллион пуд дон сотди.

Шундай бўлишига қарамасдан, Киевдаги кенгашда Чернигов областини ва унинг раҳбарларини

	Чернигов области	Гомель области
Ҳамма галла экинлари	15,2	8,8
шу жумладан совхозларда	21	8,1
Кузги буғдой	21,5	16,6
шу жумладан совхозларда	26,9	14,4
Жавдар	13,9	9,7
шу жумладан совхозларда	19,4	8,8
Нўхат	14,4	6,9
шу жумладан совхозларда	19,8	6,3

Хўш. буларнинг ҳаммаси худога боғлиқми? Йўқ, раҳбарликка, кишиларни уюштира билишга боғлиқдир. Бошқа сабаб топиб бўлмайди. Республиканг и з н и н г айрим ходимлари ўз-ўзларини Белоруссия ерлари Украина ерларидан ёмон деб ишонтиришган. Ҳа, Украинанинг жануби билан таққослаганда, сизларнинг ерларингиз ёмонроқ. Бироқ, сизларда Украинадагига нисбатан об-ҳаво шароити анча яхши. Чернигов ва Гомель областларига келганда эса, уларда иқлим ва тупроқ шароитлари бир хил.

Чернигов областида 1961 йилда дон учун 80 минг гектар ерга маккажўхори экилган эди. Гектаридан 28,5 центнердан ҳосил кўтарилди. 14 миллион пуд маккажўхори дони йиғиштириб олинди.

Гомель областида дон учун фақат 1500 гектар ердаги маккажўхори ўриб олинди. Аммо 82 минг гектар ердаги маккажўхори думбул бўлмасдан туриб, йиғиштириб олинган.

Кўриб турибсизки, ерлар бир хил, экин бир хил. Лекин улар бошқа-бошқа қўлларда, натижаларни эса жуда ҳам турличадир. Сизлар тупроқни яхши ишлаб, уруғлик таланглигингизда, ўз вақтида экиб, аниқ квадратлар ҳосил қилганингизда, қатор ораларини юмшатганингизда эҳтимол 28 ўринга гектаридан 40-50 центнердон олган бўлур эдингиз. Чернигов области билан муваффақиятли мусобақалашиб, бу мусобақада уни енгиб чиқишингиз мумкин эди.

Менга: дуруст, Чернигов области дон етиштиришда яхши натижаларга эришди, лекин эҳтимол Гомель области гўшт етиштиришда ўрнак кўрсатгандир, дейишлари мумкин. Келинг, гўшт етиштириш натижаларини ҳам олиб кўрайлик. 1961 йилда ҳайдаладиган ҳар юз гектар ер ҳисобига колхоз ва совхозларда сўйилган вазнда Чернигов областида 32,5 центнердан, Гомель областида 27 центнердан гўшт етиштирилди. Шу жумладан Чернигов области совхозларида 47 центнердан, Гомель области совхозларида 28 центнердан гўшт етиштирилди.

Яна, икки қўшни областда ҳар юз гектар ҳайдаладиган ер ҳисобига қанчадан гўшт етиштирилганлигини келтириб ўтаман. Волин областининг (Украина) колхоз ва совхозлари 1961 йилда 32 центнердан гўшт етиштиришган, Брест областининг (Белоруссия) колхоз ва совхозлари эса 22 центнердан гўшт етиштирдилар; шу жумладан Волин области совхозларида 41 центнердан, Брест область совхозларида 26 центнердан гўшт етиштирилган. Бу областларнинг ерида ҳам фарқ йўқ. Украина билан Белоруссиянинг чегарасини билмайдиган киши Брестдан чиқиб, Волинга ўтиб кетса ҳам чегара қаердалигини била олмайди. Бу табиийдир, чунки ҳеч қандай тупроқ-иқлим чегараси йўқ. Шароит ҳам бир хил, тупроқ ҳам бир хил.

Гўшт етиштиришдаги бундай фарққа сабаб нима? Бунга яна раҳбарлик савияси, кадрлар сабаб бўлмоқда. Такрор айтаманки, ҳамма иш кишиларни танлаш, уларни тарбиялаш, колхоз ва совхозларга доимий ёрдам беришга боғлиқ.

Айрим кишилар нима бу, Хрушчев бизни танқид қилгани, таъзиримизни бергани келганми? дейишлари мумкин. Хўш, нима деб ўйлаган эдингиз, мен сизларга Пушкиннинг шеърларини ўқиб бергани келганманми? (Залда жонланиш). Шеърни менсиз ҳам ўқиб оласиз. Мен эса камчиликларни очиб, ташлаш сизлар билан очиқ-ойдин гаплашиб олиш учун, сизларни айрим ташкилотларни шамоллатиб қўйишга, айрим раҳбарларнинг кўзини очиб қўйишга даъват этиш учун келганман. (Залда жонланиш).

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети ва Министрлар Советининг диққат-эътиборини қуритилган ботқоқ ерлардан нотўғри фойдаланилаётган л и г и н а қаратиш лозим. Урушдан сўнгги йилларда республикада 640 минг гектар торфзор ва ботқоқ ерлар қуритилди. Бу мақсад учун давлат ва колхозлар 105 миллион сўм сарфлади. Бироқ, ўзлаштирилган ерлардан хўжасизлик билан фойдаланилмоқда.

Захи қочирилиб, ишга солинган 640 минг гектар ердан ўтган йили фақат 372 минг гектаридан ёки 58 процентидан фойдаланилди. Бу ерларга қандай экин экилди?

Галла экинлари	75	минг гектар	ёки 20,1	процент
Силос учун маккажўхори	28	» »	ёки 7,5	»
Картошка	22	» »	ёки 6	»
Қанд лавлаги	1,6	» »	ёки 0,4	»
Бошқа илдиз мевали экинлар	4,2	» »	ёки 1,1	»
Сабзавот экинлари	2,2	» »	ёки 0,6	»
Зиғир ва каноп	10	» »	ёки 2,7	»
Ўтлар	229	минг гектар	ёки 61,6	процент

Республиканинг раҳбар ўртоқлари, буни қандай тушуниш керак? Ерларнинг захини қочириш учун ўнлаб миллион сўм сарфлаб-ю, кейин ўт экилиб, аслида ҳеч нарса олинмаса? Сизлар эса бундай фактларни қораламадингиз, балки, аслида рағбатлантирдингиз. 1961 йил июлда Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг пленуми колхозларга заҳи қочирилган ерларнинг 40-45 процентига ўт экишни тавсия қилди.

Буни тўғри кўрсатма деб бўладими? Демак, сизлар захи қочирилган ерларнинг ярмига ўт экишни тўғри деб билгансиз. Бундай кўрсатма соғлом ақлга зид келади, қишлоқ хўжалигини бошқариш практикасига зид келади.

Белоруссияда ботқоқ ерларни ўзлаштириш катта проблемадир. Биз бундан буён ҳам ана шундай ерларни ўзлаштиришимиз лозим ва ўзлаштирамиз. Бу ўринда мен ўртоқ Мацепуронинг фикрларига тўла қўшиламан, унинг жўшқин ғайратидан қувонаман. Мен Мацепурони, тахминан, 25 йилдан буён биламан. Биз у билан ботқоқни қуритиш ишларида қадрдон бўлиб кетганмиз дейишим мумкин.

Украинада ишлаган вақтимда ўртоқ Мацепурони Ирпень қайирига таклиф қилганман. У ўз машиналарини олиб келиб, украин мутахассисларига мелиорация техникасини намойиш қилиб кўрсатган эди. Ўртоқ Мацепуронинг, у раҳбарлик қилаётган институтнинг коллективи бугунги кунда ҳам яхши ишлаётганлиги, мелиорацияни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётганлиги, колхоз ва совхозларга катта имконятлар очиб бераётганлиги қувончлидир.

Лекин, ўртоқлар, ернинг захини қочириш билан иш битмайди, уни ўзлаштириб, оқилона фойдаланиш, кўпроқ ҳосил берадиган экинларни экиш, гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш лозим. Ишни шундай ташкил этиш керакки, давлат ва колхозлар ерларнинг захини қочириш учун сарфлаган маблағининг ўрни қоплансин, захи қочирилган ерлар янги бойлик тўплаш манбаи бўлиб қолсин.

КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИ КАДРЛАР БИЛАН МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Қадрли ўртоқлар!

Сизлар қишлоқ хўжалиги соҳасида масъулиятли вазифаларни белгиладингиз. Бу вазифаларни ҳал этиш учун зўр бериб жуда катта ишлар қилиш керак. Бу ерда республикага моддий мадад, кўпроқ машиналар, минерал ўғит керак деб тўғри айтишди. Буларнинг ҳаммаси тўғри.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати саноат, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжларига кўплаб трактор, комбайн, автомобиль, прицеп, турли ускуналар ва қишлоқ хўжалик асбоблари ишлаб чиқарадиган бўлиши учун, минерал ўғит ишлаб чиқаришнинг йил сайин кўпайиб бориши учун тегишли чоралар кўрмоқда. Бошқа республикалар қатори сизларга ҳам ўз вақтида имконият борича зарур ёрдам берилади. Лекин мен шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, агар кадрлар тайёрланмаса, ҳеч қандай моддий ёрдам кутилган натижани бермайди.

Энг муҳими — кишилар, кадрлардир. Агар колхозга ёки совхозга тажрибали ташкилотчи раҳбарлик қилса, агар бригадага яхши бригадир бошчилик қилса, агар барча колхозчилар ва совхоз ишчилари виждонан ва фидокорона меҳнат қилса, у вақтда мавжуд моддий техника имкониятлари билан ҳам кўп ишларни қилиш мумкин.

Бу ерда сўзга чиққан колхоз раислари, совхоз директорлари, механизаторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ходимлари ана шуни ишонарли тарзда тасдиқладилар.

«Рассвет» колхозининг раиси ўртоқ К. П. Орловский, «Красная звезда» совхозининг директори П. Ф. Воложин, «Гвардия» колхозининг раиси А. М. Воронецкий, «Октябрь» колхозининг механизатори В. П. Кот, «Новоселки» совхозининг механизатори В. К. Жудро ва бошқа кўпгина ўртоқлар шу минбардан яхши гапларни айтдилар. Улар Белоруссия ери нималар бера олишини исбот қилдилар.

Белоруссия Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советига, область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига, район партия комитетларига мурожаат қилиб айтмоқчиманки, колхоз ва совхозларга раҳбарлик қилиш учун коммунистлар ва партиясизлар орасидан энг яхши муносиб кишиларни танлаб олингиз.

Республикангизда 6 область, 131 қишлоқ райони, 2341 колхоз, 358 совхоз бор. Партия ва совет аппаратида, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиши лозим бўлган қишлоқ хўжалик органларининг аппаратида қуйидаги миқдорда ходимлар бор:

Районлар звеносида	5688 киши
Областлар звеносида	1157 киши
Республика звеносида	515 киши
Қишлоқ хўжалик илмий текшириш муассасаларида	1183 киши

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигига хизмат қилаётган аппаратда 8543 киши ишлаб турибди.

Республикада эса 2699 колхоз ва совхоз бор. Ана шу миқдордаги хўжаликлар учун наҳотки муносиб раҳбарлар топилмаса? Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам биз ана шундай раҳбарларни топишимиз керак. Ўз сафида 250 минг коммунист бўлган республика партия ташкилоти колхоз ва совхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш учун бир неча минг кишини танлай олади.

Бироқ, кишиларни сафарбар қилиш йўли билан эмас, балки ҳақиқатан ихтиёрийлик асосида танлаш, ўзининг бутун кучини колхоз ва совхозларни мустаҳкамлаш каби олижаноб ишга сарфлашга тайёр бўлган ташаббускорларни танлаб олиш керак.

Лекин, шу билан бирга огаҳлантириб ўтмоқчиманки, кадрларнинг ҳаммасини ёппасига алмаштириш бошланиб кетмаслиги керак. Агар сизлар кенгашдан сўнг кадрларни титкилай бошласангиз, уларни ишдан асоссиз ҳайдай бошласангиз, колхоз раисларини, совхоз директорларини, агрономларни, бригадирларни ишдан олиб ва ўрнини алмаштира бошласангиз бундай тақдирда республика қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказилади. Колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини сизнинг ўзингиз нотўғри йўлга бошлагансиз, захи қочирилган ерларнинг 40-45 процентига ўт экиш керак деб пленум қарорида ёзиб қўйгансиз, энди эса кўп ерларга ўт экилганлиги учун кишиларни жавобгарликка тортасизми?

Кадрларга ғамхўрлик билан қараш, уларни эҳтиёт қилиш, илғор ташкилотчиларнинг тажрибасидан яхши фойдаланиш, уларнинг миссолида бошқаларни тарбиялаш керак. Албатта, сизларда қандайдир қисман яроқсиз раҳбарлар бор. Уларни алмаштириш, ёш, қобилиятли ходимларни кўтариш керак. Бу—ҳаёт қонуни. Лекин, ўртоқлар, колхоз ва совхозлардан бўрондай супуриб ўтиш ярамайди. Бундай бўрондан кишилар қийналади ва ўзингиз зарар кўрасиз. Янги кишининг у ёқ-бу ёқни кўриб, хўжаликни ўрганиши учун маълум вақт керак бўлади. Шунинг учун ҳам сизлар хатога йўл қўйган, бироқ, ўз хатосини тузатиб олишга қодир бўлган раҳбарларнинг ҳам қадрига етинг, Оқил киши ишини тузатиб олади, тушуниб олиши учун унга ёрдам беринг, ўргатинг, унга далда беринг, шунда у нималарга қодир эканлигини сизга кўрсатади.

Биз Белоруссия республикасининг раҳбарларини қаттиқ танқид қилмоқдамиз ва биз уларнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги ишни тўғри йўлга қўйишларига, колхоз ва совхозларга тўғри раҳбарлик қилишишни таъминлашларига, қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга эришишларига ишонамиз.

Кишиларни танлаш, уларни ўргатиш билангина кифояланмай, уларга моддий манфаатдорлик принципини амалга ошириш ишида ёрдам ҳам бермоқ керак, кўпроқ маҳсулот етиштирадиган кишиларнинг меҳнатига муносиб ҳақ тўламоқ керак.

Мен бу ерда сўзга чиққан ўртоқ Котдан моддий рағбатлантириш системаси ҳақида сўрадим. У бундай деб жавоб берди: аниқ квадрат ҳосил қилгани учун қўшимча ҳақ тўланади, мўл ҳосил олганлар эса ҳозирча рағбатлантирилмай турибди.

Бу жиддий сигналдир. Фактлар шуни кўрсатмоқдаки, Белоруссиянинг кўпгина хўжаликларида моддий манфаатдорлик принципи бузилмоқда. Аввал кишиларга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида ваъда берадилар, кейин эса уялмайнетмай ўз сўзларидан қайтадилар, колхозчиларни олиши зарур бўлган ҳақдан маҳрум қиладилар.

Моддий манфаатдорлик принципи — ҳаётимиздаги тасодифий фактор эмас, бу коммунизм қурилиши принципидир. Қўшимча ҳақ тўлаш ситемасини қатъий ва мунтазам равишда амалга ошириш лозим. Кўп миқдорда ва сифатли маҳсулот етиштиргани учун яхши ҳақ тўлаш бизнинг қондамиз бўлиб қолмоғи керак.

Ҳар бир колхозда меҳнатга қўшимча ҳақ тўлаш системаси ишлаб чиқилиши ва унга виждонан амал қилиниши лозим. Қўшимча ҳақ тўлаш соҳасидаги мажбуриятларни бажармаётган ходимларни қаттиқ жазолаш лозим. (Қарсаклар). Колхозчиларни алдаш ярамайди. Кишилар яхши ишлаб, яхши меҳнат қилиб, ўз меҳнатларига муносиб ҳақ олишларига ишонсинлар. (Қарсаклар).

Ўртоқлар! Сизларни ёшларга, комсомолга алоҳида аҳамият беришингизни тавсия қиламан. Бўйи қаранг, бу ерда шонли ёшларимиз, ҳозирча мактабда ўқиётган ўринбосарларимиз қандай яхши гапиришди. Мен ҳамма кенгашларда уларнинг сўзларини зўр диққат билан эшитдим. Улар қайси ишни ўз қўлларига олишса, ўша иш юришиб кетади. Маккажўхори, қанд лавлаги етиштиришга киришишса, ажойиб ҳосил олишади, Фермага боришса—кўплаб сут соғиб олишади.

Ёшларимиз ажойиб, партияга, халққа содиқ. Ватанимиз шонш-шуҳрати, коммунизм тантанаси учун курашиш ва галаба қилишга тайёрдирлар. Ёшларни коммунистик қурилишнинг масъулиятли участкаларига дадилроқ кўтарайлик.

Сўзимнинг охирида шуни айтмоқчиманки, қишлоқ хўжалигининг зона кенгашлари ишида қатнашишдан жуда мамнун бўлдим. Белоруссияга яна бир келишни кўпдан орзу қилардим. Мана, ваъдамга мувофиқ ҳузурингизга келдим. (Гулдурос қарсаклар). Менинг келганимдан сизлар мамнун бўлдиларингми, буни билмайман, (Гулдурос қарсаклар), лекин мен ўзим бу ерга келганимдан, сизларнинг сўзларингизни эшитганимдан, айтишим зарур бўлган сўзларни сизларга айтганимдан, гапни бўямасдан тўғрисини айтганимдан мамнунман. Сизлар менинг нима демоқчи бўлганимни яхши тушунасизлар ва тўғри хулоса чиқариб оласизлар, деб ўйлайман. (Гулдурос, давомли қарсаклар).

Колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг, агрономларнинг, зоотехниклар ва инженерларнинг, коммунистлар ва комсомол аъзоларининг, қишлоқ хўжалигида ишлаётган барча кишиларнинг бурчи ўз шижоатли меҳнати, сўмас ғайрати, маҳорати билан жуда катта резервларни ишга солишдан иборатдир. Социалистик қишлоқ хўжалигимизнинг имкониятларидан фойдаланиш ва уни тезда олға силжитиш керак.

Қадрли ўртоқлар! Белорус халқи Ватан урушининг оғир йилларида ҳам, тинч қурилиш йилларида ҳам партия чақириғи билан дадил олға борди ва Ватанимиз шон-шарафи йўлида кўпгина меҳнат ва ҳарбий қаҳрамонликлар кўрсатди.

Республика меҳнаткашлари шонли Коммунистик партия раҳбарлигида партиянинг тарихий XXII съезди қарорларини амалга ошириш учун бутун кучларини сарфлайдилар, мамлакатимизда коммунизм қурилиши ишига муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсиз. (Гулдурос, давомли қарсаклар. Ҳамма ўринидан турди).

А. И. МИКОЯН МАЛИ РЕСПУБЛИКАСИГА ЕТИБ БОРДИ

БАМАКО, 16 январь. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси А. И. Микоян Мали Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан Аккрадан бугун Бамакога етиб келди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. ТУРСУНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИССИЯСИ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Совет контроль комиссияси Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Давлат контроль комиссиясига айлантирилганлиги муносабати билан, ўртоқ Мунаввар Турсунов Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Давлат контроли комиссияси раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1962 йил, 16 январь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИГА сайловлар олдидан

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ МИЛЛАТЛАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ЎЗБЕКИСТОН ССР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СОСТАВИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛМОҚДА

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети бюросининг 16 январда бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида Сайлов комиссиясига номзод кўрсатиш масаласи муҳокама қилинди. Комиссия составига Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик ёшлар Союзидан Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Иброҳимовни** тавсия этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Қўқон суперфосфат заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Сайлов комиссияси составига ўз вакиллари қилиб корхонанинг старший аппаратчиси **М. К. Куценкони** кўрсатдилар.

Олмалиқ шаҳридаги тўртинчи қурилиш бошқармаси коллективининг йиғилишида Сайлов комиссияси составига сувоқчилар бригадасининг бошлиғи **В. Ф. Лебедева** кўрсатилди.

Армия, Авиация ва Флотга ёрдам кўрсатувчи Кўнгилли жамият республика комитетининг кенгайтирилган мажлисида Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари генерал-майор **П. С. Шиликовскийни** Сайлов комиссияси составига киритиш тавсия қилинди. (ЎзТАГ).

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИГА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИШ

Тошкент шаҳар ва Тошкент область меҳнаткашлари СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Округ сайлов комиссиялари составига номзодлар кўрсатишни давом эттирмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинатидаги биринчи йигирув-тўқув фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши зўр активлик вазиятида ўтди. Йиғилиш қатнашчилари СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи Тошкент-Ленин сайлов округининг Округ сайлов комиссиясига тўқув фабрикасининг мастери **Н. С. Бондаренкони** ўз вакиллари қилиб юборишга якдиллик билан қарор қилдилар. Меҳнаткашларнинг бошқа коллективлари, партия ва жамоат ташкилотларининг қарорларига мувофиқ, бу комиссия составига: биринчи пойафзал фабрикасининг механиги **Г. И. Глушков**, Ўрта Осиё пиллачилик институтининг директори **Х. Р. Расулов** ҳам кўрсатилди.

Тошкент тўқимачилик комбинатидаги иккинчи йигирув-тўқув фабрикасининг коммунистлари СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Тошкент-Ленин сайлов округининг Округ сайлов комиссияси составига арқоқчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **М. Йўлдошевани** кўрсатдилар.

Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзоларининг йиғилишида СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Чирчиқ сайлов округининг Округ сайлов комиссияси составига колхознинг сут соғувчиси **З. Комилова** кўрсатилди. (ЎзТАГ).

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИ ҲАР БИР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА БЎЛСИН

(Тошкент шаҳар партия ташкилотлари активи йиғилишидан)

Газетамизнинг олдинги сонида хабар қилинганидек 15 январда Тошкентда шаҳар партия ташкилотлари активининг идеология ишлари масаласига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **И. Р. Арнаутов** «КПСС XXII съезди ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг идеология ишларини янада яхшилаш соҳасидаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладчи йиғилиш қатнашчиларига идеология масалалари юзасидан ўтган йил охирида КПСС Марказий Комитети томонидан чақирилган ва Москва шаҳрида бўлиб ўтган кенгаш ҳақида гапириб берди. Бу кенгаш, — деди докладчи, — кенг меҳнаткашлар оммасини, совет жамиятининг ҳамма моддий ва маънавий кучларини коммунистик қурилишнинг улуғвор вазифаларини ҳал этишга сафарбар қилиш юзасидан партия Марказий Комитети кўрган энг муҳим тадбирлардан бири бўлди.

Мамлакатимиз олдида турган тарихий вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан идеология ишларининг даражаси ва кўламига боғлиқдир. Шунинг учун ҳам идеология ишлари таъсирчанлигини ошириш ва унинг кўламини кенгайтириш ҳар бир партия ташкилотининг диққат марказида бўлмоғи лозим.

Ўзбекистон пойтахти партия ташкилотлари КПСС XXII съездининг тарихий қарорларидан руҳланиб зўр ғайрат билан ишга киришдилар, партиямиз Программасида олға сурилган ҳамма вазифаларни имкони борича тезроқ ва кўнгилдагидек бажариш учун бор кучларини аямай сарфламоқдалар. Шаҳарда коммунистик меҳнат учун ҳаракат ой сайин кенгайиб бормоқда. Ҳозир бу ҳаракатда шаҳарнинг 80 мингдан ортиқ ишчи ва мутахассислари фаол қатнашиб, коммунистчасига ишлаш ва яшашга ўрганмоқдалар.

Партия ташкилотларининг меҳнаткашлар орасида катта ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишларни олиб борганлиги натижасида Тошкент шаҳар саноати 1961 йил планини 25 декабрдаёқ бажаришга, қўшимча равишда давлатга бир неча ўн миллион сўмлик маҳсулот беришга муваффақ бўлди.

Талай иш қилинди. Лекин олдимизда ҳали кўп ва улкан ишлар турибди. Бу йил пойтахт саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришлари, капитал қурилиш учун ажратилган маблағлардан фойдаланишни кескин яхшилашлари, саноат ва уй-жой қурилишини тезлаштиришлари ва қурилиш сифатини яхшилашлари керак.

Етти йилликнинг тўртинчи йили планларининг муваффақиятли бажарилишини таъминламоқ учун шаҳар партия ташкилотлари омма орасида олиб бориладиган идеология ишлари савиясини ҳамма чоралар билан оширишлари, меҳнаткашларни ҳар бир корхонада декада, ойлик ва ҳар бир квартал топшириқларини албатта тўла ва ошириб бажаришга сафарбар этишлари керак. Коммунистик жамият қурмоқ учун унинг мустаҳкам моддий-техника базасини яратиш, шу жамият талабларига тўла жавоб берадиган янги кишини тарбиялаб етиштириш керак. Мана шу вазифани бажариш юзасидан қилаётган ишларимизда ҳали кўп камчиликлар бор. Ўтган йил август ойида шаҳар партия ташкилотлари активи йиғилиб, меҳнат тарбиясини ҳамда текинхўрларга қарши курашни кучайтириш масаласини муҳокама қилди. Йиғилиш қабул қилган қарорда меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ишларни янада кучайтириш ва текинхўрларча кун кечираётган кишиларга қарши шафқатсиз курашиш чора ва тадбирлари белгиланган эди. Ана шу белгиланган фойдали тадбирларнинг анчагина қисми қоғозда қолиб кетди. На шаҳар партия комитети, ва на райкомлар бу тадбирларни тўла-тўкис амалга ошириш юзасидан ҳамма зарур чораларни кўрмадилар. Шаҳар корхоналари ва қурилишларида меҳнат интизомини бузиш ҳоллари тез-тез учраб турибди, олибсотарлар, савдогарлар ва бошқа ҳар хил текинхўрларни тутатиш соҳасида қилаётган ишларимиз етарли эмас. «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш», подшипник заводларида, 2-авторемонт заводи ва шаҳардаги кўпгина қурилиш ташкилотларида меҳнат интизоми талабга жавоб берарли даражада эмас. Мазкур корхона ва қурилиш ташкилотларининг партия ташкилотлари ўз коллективлари ўртасида сиёсий-тарбиявий иш олиб боришга эътиборсизлик билан қараётирлар, кишиларда топширилган иш учун масъулият, жамоатчиликни ҳурмат қилиш ҳиссини тарбиялашга етарли эътибор бермаётирлар.

Партия ташкилотларининг биринчи даражали вазифаси идеология фронти ҳамма соҳаларининг активлиги ва жанговарлигини максимум даражада оширишни, меҳнатқашларни ғоявий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашнинг қулай форма, метод ва воситаларидан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборатдир.

Динга ва диний сарқитларга қарши курашни кучайтириш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Ўзбекистон пойтахти партия ташкилотлари динга, диний ананаларга қарши курашга ҳамма кучларни сафарбар этишлари, ёшларимизни ва барча меҳнаткашларни мутаасибларнинг зарарли таъсиридан авайлаб сақлашлари керак.

Биз коммунизмнинг гуманистик идеяларини кенг тарғиб этишимиз, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексини кишиларга мунтазам равишда чуқур ва атрофлича тушунтириб боришимиз зарур. Бу соҳада эса ҳали айтарлик иш қилингани йўқ. Коммунистик ахлоқни ҳаёт билан чамбарчас боғлиқ ҳолда, ҳар биримизга маълум бўлган воқеа ва ҳодисалар, фактлар билан боғлиқ ҳолда пропаганда қилиш етарлича йўлга қўйилган эмас.

Бундай камчиликларга шу нарса сабаб бўлмоқдаки, бизнинг партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларимиз, шунингдек маъмурий органлар ичиликбозлик, безорилик, олибсотарлик ва бошқа шу сингари жамоатчиликнинг ғазабини қўзғатаётган иллатларга, бу иллатларни юқтирувчиларга қарши етарлича кенг кўламда ва шафқатсизлик билан курашаётганлари йўқ. Ҳатто, жамоат тартибини ва совет қонунчилигини қўпол равишда бузган жиноятчиларни «жамоатчилик номидан» кафилга олишга, бундай шахсларни таъсирли восита билан тарбиялаш ўрнига кўнгилчанлик билан ҳимоя қилишга ботинадиган ходимлар ҳам йўқ эмас. Докладчи бу фикрни тасдиқловчи бир неча мисол келтирди.

Бепарволик, бетараф туриш партия ташкилотлари учун мутлақо номуносиб позициядир. Афсуски айрим корхоналар, айниқса савдо ташкилотларининг баъзи бошланғич партия ташкилотлари ўз ходимларининг ножўя хулқ-атворига, ҳатто жинояткорона ҳаракатларига ҳам бепарволик билан қарайдилар. Бепарволик эса турли иллатларни авж олишига қулай шароитдир.

Партия бизларни идеология фронтининг ҳамма участкалари бўйича қатъий ҳужумга ўтишга чорламоқда. Кишилар онгидаги капитализм сарқитларига қарши кескин ва муросасиз курашиш, ўтмишнинг маразли сарқитларини тутатиш учун қатъий ҳужумга ўтиш керак. Биз ўз идеология ишимизни ана шу, фақат ана шу асосга қуришимиз керак. Партия XXII съезднинг тарихий қарорларига, мамлакатимизда коммунизм қуриш программасини амалга ошириш ишига фақат ва фақат ана шундай ишлар билан амалий жавоб беришимиз зарур.

Пировардида докладчи ўқувчи ва студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш, кадрларимизга марксизм-ленинизм назариясини чуқур ва пухта ўргатиш масалалари маданий-оқартув муассасалари ҳамда адабиёт ва санъат ходимлари ижодий ташкилотларининг навбатдаги вазифалари ҳақида батафсил гапирди.

КПСС Программасида шундай дейилган:

«Партия адабиёт, санъат, маданиятнинг равнақ топиши тўғрисида, ҳар бир одамнинг шахсий қобилиятларини энг тўла рўёбга чиқариш учун ҳамма шароитларни яратиш тўғрисида, барча меҳнаткашларни эстетик тарбиялаш тўғрисида, халқда юксак бадиий диднинг ва маданий малаканинг шаклланиши тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилади. Бадиий асос меҳнатни янада завқли қилади, турмушни безайди ва одамни олижаноб қилади».

Бу кўрсатма Ўзбекистон пойтахтидаги барча партия ташкилотлари, ижодий союзлар ва маданий-оқартув муассасалари фаолиятига асос қилиб олиниши керак.

КПСС XXII съезди партия ва халқ олдига чинакам улкан тарихий вазифалар қўйди. Бу вазифаларни ҳал қилмоқ учун ҳар бир совет кишисидан бор куч-ғайратини сарфлаб ишлаши, кўпроқ ташкилотчилик ва юксак онглилик намунасини кўрсатиши талаб этилади.

КПСС XXII съезди идеология ишларининг мақсади ва йўналишларини аниқ ва равшан белгилаб берган ҳозирги шароитда партия ташкилотларининг роли ва масъулияти янада ошади. Биз идеология ишларини янги янада юқори босқичга, коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган шароит талабига мувофиқ келадиган босқичга кўтаришимиз керак.

Доклад юзасидан қизғин музокара бошланди.

Октябрь район партия комитетининг секретари **Р. Бобожонова** районда олиб борилаётган партиявий-сиёсий ва тарбиявий ишларнинг таъсирчанлиги сезиларли ошганлигини таъкидлади. Пропагандист ва агитаторлар XXII съезд материалларини кенг меҳнаткашлар оммасига тушунтиришда суҳбат ва лекцияларни кундалик ҳаёт билан, район меҳнаткашлари, муайян коллективлар олдида турган конкрет хўжалик вазифалари билан боғлаган ҳолда ўтказмоқдалар. 2-пойафзал фабрикаси, чинни заводи, «Узгоспроект» институти каби бошланғич партия ташкилотларнинг бу соҳадаги иши тақдирга сазовордир.

Шунингдек нотиқ жамоатчилик асосларида қилинаётган ишлар, хотин-қизлар орасида, маҳалла меҳнаткашлари орасида олиб борилаётган тарбиявий ишлар ҳақида ҳам гапирди. Шу билан бирга ўртоқ Бобожонова илмий-атеистик пропагандани кучайтириш юзасидан районда қилинган ишлар ҳали талабга жавоб бермаслиги, бу соҳада қатор жиддий камчиликлар мавжудлигини эътироф этди.

М. Горький номли рус драма театрининг артисти **Н. Г. Хачатуров** ёшларни эстетик тарбиялашда санъатнинг роли ҳақида, бу муҳим ишга эътиборни кучайтириш ҳақида гапирди. Нотиқ замонавий темада қўйилаётган юксак савиядаги саҳна асарлари асосида ёшларни тарбиялаш, пьесада кўтарилган проблематик масалаларни коллектив бўлиб муҳокама қилишни уюштириш сингари муҳим ишга етарлича эътибор бермаётганлиги учун шаҳар комсомол комитетини танқид қилди.

Тошкент тўқимачилик институти партия ташкилотининг секретари **Ғ. Пўлатов** студентларни ғоявий тарбиялаш билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни ўртага ташлади.

— Олий ўқув юртларимизга ҳаёт мактабини ўтаган ёшлар тобора кўп келмоқда, — деди у. — Айни вақтда ўрта мактабдан тўппа-тўғри институтга келганлар ҳам бор. Студентлар ўртасида сиёсий ва ғоявий-тарбиявий иш олиб боришда уларнинг турмуш тажрибаси ва савиясига қараб иш тутиш керак. Институт партия ташкилоти мана шу вазифани муваффақиятли бажариш ниятида янги форма ва методлар қидирмоқда. Сўнгги пайтларда биз студентларнинг партбюро аъзолари, иктимоий фанлар кафедралари мудирлари, деканлар билан учрашувларини ўтказаётирмиз. Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси темасида ўтказилаётган суҳбатларга ёшлар зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Бундай суҳбатлар кўпинча ётоқхоналарда, аудиторияларда конкрет мисоллар асосида ўтказилаётир.

Шунингдек нотиқ жамоатчилик асосида олий ўқув юртларига адабиёт ва санъат вакилларининг ёрдамини кучайтириш зарурлигини таъкидлади. У ёшлар ҳаётини яхши ёритмаётганлиги учун Тошкент телевидение студияси ходимларини қаттиқ танқид қилди.

Шаҳар комсомол комитетининг секретари **Т. Орипов** республикамиз пойтахти комсомол ва ёшларининг XXII съезд қарорларини амалга ошириш юзасидан қилаётган ажойиб ватанпарварлик ишлари ҳақида гапириб берди. Шу билан бирга у ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш соҳасида йўл қўйилаётган камчиликларни танқид ва ўз ўзини танқид асосида очиб ташлади.

«Ташсельмаш» заводи партия комитетининг секретари **П. Иванова** завод ҳузурида ташкил этилган халқ университетининг ишчиларни тарбиялашда катта роль ўйнаётганлигини конкрет мисолларда кўрсатди. Университетнинг техника тараққиёти, иқтисодий билимлар, чет тиллар факультетларида 500 дан ортиқ ишчи ва инженер-техник ходимлар таълим олаётир. Сиёсий ва илмий билимлар тарқатиш жамиятининг завод партия комитети ҳузурида ташкил этилган группаси аъзолари КПСС XXII съездидан кейин ўтган давр ичида 1200 дан ортиқ лекция ўқидилар. Завод цехларида ҳам лекторлар группалари ташкил этишга ҳозирлик кўрилаётир.

Киров районидаги тамаки фабрикасининг пропагандисти **Б. Коробов**, Куйбишев районидаги 40-агитпункт мудири **В. Федотов** ўртоқлар йиғилиш қатнашчиларига ўз иш тажрибаларини сўзлаб бердилар ва пропаганда иши таъсирчанлигини янада оширишга қаратилган қатор мулоҳазалар айтдилар. Улар СССР Олий Советига бўлажак сайловлар муносабати билан агитатор ва пропагандистларнинг ишчанлигини оширишга партия ташкилотларининг эътиборини жалб этдилар.

Актив йиғилиши идеология ишлари савиясини янада оширишнинг конкрет тадбирлари белгиланган қарор қабул қилди.

ҚАРДОШЛАР САНЪАТИ

СОВЕТ-ХИТОЙ МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИГИ

СССР Министрлар Советининг чет эллар билан маданий алоқа давлат комитетида СССР ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида 1962 йилда маданий ҳамкорлик қилиш плани юзасидан музокаралар бошланди.

15 январда бўлиб ўтган биринчи мажлисда 1961 йилдаги Совет-Хитой маданий ҳамкорлиги соҳасидаги ишлар якунланди, келгусида маданий ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. 1962 йилги Совет-Хитой маданий алоқаларининг келишилган планини ишлаб чиқмоқ учун ишчи группаси тузилди.

ТЕЛЕГРАФ ЭСЛАФАР ҚИЛАДИ

А. И. МИКОЯННИНГ ГАНАДА БЎЛИШИ

АККРА, 15 январь. (ТАСС). А. И. Микоян кеча Тафо шаҳрига бориб, у ерда Ғарбий Африка какао илмий тадқиқот институтининг иши билан танишди.

Ўртоқ А. И. Микоянни ва унинг хамроҳларини институт территориясига кираверишда область комиссари Карбое, областнинг бош йўлбошчиси Нана Амуаквата ҳамда институт директори Жон Бленкове бошлиқ институтнинг илмий ходимлари кутиб олдилар. Институт ходимлари ва хизматчилари ҳамда бу ерга Совет Иттифоқи билан Гананинг миллий байроқларини кўтариб келган Тафо шаҳрининг бирнеча минг аҳолиси ҳам совет меҳмонини ва унинг йўлдошларини самимий табрикладилар.

Область комиссари Карбое ҳурматли совет меҳмонини ва унинг йўлдошларини табриклаш ниятида атайлаб Тафога келган Марказий область қабилаларининг бошлиқларини А. И. Микоянга таништирди.

А. И. Микоян икки соатдан ортиқ вақт ичида институт экинзорларини зўр мароқ билан кўздан кечирди ҳамда какао дарахтининг янги навларини етиштириш, бу дарахтнинг зараркунандаларига қарши кураш, ўғитлардан фойдаланиш ва какао етиштиришни кўпайтириш соҳасида институт олиб бораётган илмий тажрибалар билан танишди, бу соҳада миллий кадрлар тайёрлаш қандай бораётганлиги, шунингдек институт ишчилари ва хизматчиларининг иш ва турмуш шароитлари билан қизиқди.

А. И. Микоян тажриба экинзорларини кўздан кечириб бўлгандан кейин, экскурсияни яхши уюштирганлиги учун институт директорига миннатдорчилик билдирди ва институтнинг бутун коллективига ишда муваффақиятлар тилади. А. И. Микоян ва унинг ҳамроҳлари бироз дам олгандан сўнг Аккрага жўнаб кетдилар.

Тафо шаҳрига бориб келиш вақтида бутун йўл давомида қишлоқ ва шаҳарларнинг ўнминглаб аҳолиси улуғ Совет Иттифоқининг вакилини қизғин табриклади.

Кечқурун А. И. Микоян СССРнинг Ганадаги элчихонаси биносида Ганадаги совет муассасаларининг ходимлари ва уларнинг оила аъзолари билан учрашди ва дўстона суҳбатлашди.

КОСМОНАВТ Г. С. ТИТОВ БИРМА ВА ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИГА БОРАДИ

Бирма Иттифоқининг ҳукумати космонавт майор Г. Титовни Бирмага келишга таклиф этди. Майор Г. Титов бу таклифни қабул қилди ва 17 январдан 20 январгача Бирмада бўлади.

Майор Г. Титов Бирмага қиладиган сафаридан кейин Вьетнам Демократик Республикасининг президенти ўртоқ Хо Ши Минининг таклифига мувофиқ Вьетнам Демократик Республикасига боради. У, Вьетнам Демократик Республикасига 21 январда келади. (ТАСС).

ПОЛЬША БИЛАН ТАНГАНЬИКА ЎРТАСИДА ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ЎРНАТИЛДИ

ВАРШАВА, 15 январь. (ТАСС). Польша Халқ Республикаси билан Танганьика ҳукуматлари иккала мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантириш истагига амал қилиб, дипломатик муносабатлар ўрнатишга қарор бердилар.

Тошкентнинг тасвирий санъат ишқивозлари қардош Совет Латвияси рассомларининг асарлари билан танишиш шарафига муяссар бўлдилар: 15 январда пойтахтимиздаги Округ Офицерлар уйида Латвия живописи, графикаси ва скульптураси асарлари виставкаси очилди. Виставкани Ўзбекистон ССР Маданият министри ўртоқ С. Муҳамедов қисқача нутқ сўзлаб очди.

Залга латиш санъаткорларининг кейинги йилларда яратган 70 дан ортиқ асарлари қўйилган. Улар тамошабиларни қардошларимизнинг турмуши, бу ерда амалга оширилаётган улкан қурилишлар, Латвиянинг ажойиб табиат манзараси билан таништиради. Бу ердаги Латвия ССР рассоми О. Скулменинг «В. И. Ленин 1918 йил 1 майда латиш ўқчилари билан Кремлда» деган машҳур йирик картинаси, ёш санъаткор И. Зарининг зўр маҳорат билан ишланган «Қандай баландлик», Я. Осининг «Латиш балиқчиларининг байрамида қайиқ мусобақаси» каби тасвирий санъат асарлари ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилади.

Ўзбек рассомлари ҳам ўзларининг энг яхши асарларини латиш халқига намойиш қилиш учун Ригага юборишдилар.

Қардошлар санъатини бундай айрибошлаш Ватанимиз халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

С. МУСАЕВ.

Суратда: виставка залида.

А. Абалян фотоси.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Телевизор

17 ЯНВАРДА

12.00 — Қувноқ айиқчалар (Республика кўғирчоқ театрининг спектакли, рус тилида), спектакллдан сўнг — Шамол номли бадиий фильм (Ўзбек тилида).

Ўзбек тилида: 18.30 — Совет Ўқитувчиси (Ўзбекистон интеллигенцияларининг III съезди муносабати билан), 19.05 — Телевизион янгиликлар, 19.20 — КПСС XXII съезди ва марксча-ленинча назариянинг янада ривожлантирилиши («Коммунизм қуриш улуғ программаси» циклидан лекция), 19.45 — Куйлаймиз, рақсга тушамиз (ёшлар учун), 20.15 — Техника-деҳқонинг дўсти (қишлоқ хўжалик ходимлари учун).

Рус тилида: 20.30 — Саноат ходимлари учун, 20.45 — Буюк биродарлик (ҳужжатли фильм), 20.55 — Телевизион янгиликлар, 21.10 — Тош меҳмон номли фильм-спектакль (А. С. Пушкин вафот этган кунининг 125 йиллиги муносабати билан).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/I да **Зайнаб ва Омон**, СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артисти **Насим Хошимов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Ксения Давидова, Сорина Самандарова, Михаил Давидов, Жамол Низомхўжаев**, солистлардан **Роза Юсупова, Эргаш Йўлдошевлар** қатнашади.

ХАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/I да **Мирзо Улуғбек**, 18/I да **Фурқат**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/I да **Равшан ва Зулхумор**, 18/I да **Ватан ишқи**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, турли ҳайвон ва йиртқичларни ўргатувчи **Николай Гладильщиков гастролининг давоми**. Кеч соат 7 яримда бошланади.

Кино

Салибчилар (кенг экранли фильм, 1 ва 2-серия) — «ИСКРА», (2-залда), «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Бир ёз ўйнаган қиз — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Зайлергассе, 8 — «ИСКРА» (1 ва 3-залда), НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Ёши катта болалар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

ФЕЛЬЕТОН

МЕН ҚАНДАЙ БОШ БУХГАЛТЕР ЭДИМ

Мен кундалик дафтар юритишга қарор қилдим. Қандай бўлишидан қатъий назар, кундалик дафтар — интеллигент одам учун зарур нарса. Мен эса худди ана шундай одамман. Ҳозирги вақтдаги колхознинг бош бухгалтери — чакана одам эмас. Раиснинг ўнг қўли. Менинг ташқи кўринишим ҳам бунга мос келади: дазмолланган костюм, нейлон галстук ва чех ойнасидан ясалган запонкалар. Илгари ёзувчилар биз, қишлоқ ҳисобчи ходимларини бир умр соқол-мўйловини олдирмайдиган, тамаки ҳиди анқиб турадиган, кир пиджак кийиб олган маданиятсиз кишилар деб тасвирлашар эди. Биз эса мана қандай кишилармиз! Ташқи кўринишимиз жиҳатидан пойтахт аҳолисидан ҳеч ҳам фарқ қилмаймиз.

Бироқ ёзувчилар айтганидек бўлиб чиқди. Кўринишим пойтахт кишиларига ўхшашига қарамай, айниқса жавобгарлик ҳақида гап борганида мен қичкина одамман...

5 февраль. Раис мени ўз ҳузурига чақирди ва:

— Гапга қулоқ сол Бубенок (бу менинг фамилиям). Нима десангдеявер, лекин «Волга» правлениемизга ва шахсан раис сифатида менга жуда зарур. Торс ёрилсанг ҳам беш минг топ. Айтандек бир киши машина сотмоқчи.., — деди.

Мен, албатта, раисга бу иш қонунсизлигини эслатишим ва мен бош бухгалтер сифатида колхоз пулининг бу йўсинда талон-тарож қилинишига қатъиян қаршиман, деб айтишим керак эди. Раиснинг жуда яхши «газиги» бор, унга «Волга» нима ҳожат? Бунинг устига ҳалиги «киши» раиснинг қариндоши. Мен бунинг ҳаммасини раисга эслатишни истадим-у, бироқ у бошлиқ ва ҳамма нарсага боши билан жавоб беради. Шу сабабли:

— Яхши, Кирилл Мефодиевич, топаман. Бу пулни қўшни райондан сомон сотиб олинган қилиб расмийлаштирамиз, — дедим.

Шундай қилдик ҳам. Тез орада раис ҳаворанг, анчагина ишлатилган «Волга»да юрабошлади.

10 март. Колхозда молия соҳасида оғир аҳвол юз берди. Счётга арест солинди. Фермалардаги оч моллар арқонини узабошлади. Кирилл Мефодиевич менга:

— Пул топ, дағал хашак сотиб олиб келиш учун бошқа областга бораман, — деди.

— Счётга арест солинган-ку, пулни қаердан топаман?..

— Икки бош буқа сотиш керак, — деб жаҳил қилди раис (мен ўрнимдан ирғиб турдим). — Нега сен ажабланасан? Мен уларнинг ўрнига сунъий қочириш пункти ташкил этишни ўйлаяпман. Прогрессив иш.

Буқаларни сотдик. Бироз пичан ва ем сотиб олдик. Пичан ва емга уч баравар ортиқ ҳақ тўладик. Капитал-гадолиқнинг ўзгинаси! Э, менга нима? Юқорида айтганимдай мен қичкина одамман. Уч баравар қимматга олинганлиги учун ҳам буқалар сотилганлиги учун ҳам, пункт эса ҳануз ташкил этилмаганлиги учун ҳам Кирилл Мефодиевич жавоб беради.

15 апрель. Шу куни эрталабдан бошлаб раис мени гаранг қилди: сигирхонанинг чаласини қуриб битказиш учун ўзи таклиф қилиб келтирган дурадгорлар артелига ҳақ тўлаш учун пул топишни талаб қилди. Мен: ўзимизда қурувчилар бригадаси бўлатуриб, бизга дайдиларнинг нима кераги бор эди, деб уни дол қилиб қўймоқчи эдим. Кирилл Мефодиевич эса менинг нима демоқчи бўлганимни билгандай:

— Қурилиш бригадасидаги йигитларимизга гаражимнинг қурилишида ҳам иш етиб-ортади, — деб қўшимча қилиб қўйди.

Мен итоаткорлик билан бошимни қуйи эгдим ва раиснинг топшириғини бажариш учун ўтирдим. Қўябер. У шундай қилишни истаган экан, бунинг учун жавоб ҳам беради. Менга нима алоқаси бор. Мен итоат қилишим керак бўлган одамман.

25 июнь. Бугун якшанба. Раис менга гўё ҳаром ўлган чўчқани қалбаки ҳужжат билан ҳисобдан ўчиришни буюрди. Ҳақиқатда эса у раисга қизининг тўйи учун зарур бўлган эди. Менга эса ўша чўчқанинг ҳатто думи ҳам тегмаган эди. Шуниси алам қилади-да! Ҳа, майли, барибир мен область ижроия комитетига хат ёзаман деб ўйладим. Иш жуда чувалашиб кетди, мени ҳам жувормарг қилиб қўйишмаса яхши эди.

Кечаси билан раис ҳақида шикоят ёздим. Имзосиз ёздим, чунки натижаси нима бўлишини ким билади дейсиз?

30 июль. Ақлдан озиш мумкин! Областдан комиссия келди ва раиснинг барча гуноҳларини очиб ташлади. Кеча уни умумий мажлисда ишдан олишди. Сўнгра навбат менга келди. Колхознинг маблағи талон-тарож қилинганлиги учун бош айбдор гўё мен эмишман.

Умуман мени ҳам ишдан олиб ташладилар. Мажлисдан кейин тўғридан-тўғри текшириш комиссияси раиснинг ҳузурига келдим. Шундай, ҳа, шундай. Мен ҳақимда гапирилган гапларнинг ҳаммаси ёлғон. Мен лом-мим деяолмаган эмишман — бу туҳмат. Мен пиқиллирдим! Мана кўраяпсизми, ҳатто сизларни менинг сигналимга мувофиқ юборишди.

Комиссиянинг раиси кулди.

— Тўғри, қандайдир сигнал бўлган эди, лекин имзосиз эди, биз эса молбоқар Иван Алексеевич Рибиннинг шикоятига мувофиқ келдик. У сиздан бироз илгарироқ сигнал берди ва ўзининг фамилиясини кўрсатишдан қўрқмади.

Шу билан мен унинг ҳузуридан чиқиб кетдим.

5 август. Уйқудан бутунлай маҳрум бўлдим. Ўй-хаёл енгмоқда. Ранжитиш хиқилдоғимдан бўғмоқда. Ҳа, майли, қараб турингилар, мендек мутахассисдан ажралганликларинг учун ҳали йиғлайсизлар. Менинг ҳузуримга келиб, тиз чўкасизлар.

Раис кириб келди. Янги раис. Оддий бухгалтер бўлиб ишлашни таклиф қилди. Йўқ, ҳеч бўлмайди! Мен областда ташкил этилган курсни оддий бухгалтер бўлиб ишлаш учун битирибманми.

Бироқ мен буни янги раисга эшиттириб айтмадим. Мен анчайин саломатлигимнинг ёмонлигини рўкач қилдим ва руҳий эзилишдан тортган азобимнинг оқибатидан халос бўлиш учун иккиуч ой кифоя қилишига умид қилганлигимни айтдим. Сўнгра бир гап бўлар.

10 январь. Кутаётирман, ҳамон кутаётирман. Ҳеч ким келмаяпти. Ҳатто йиғлагудекман! Янги раиснинг таклифидан бекорга бош тортмадиммикин?

Кундалик дафтардан кўчириб олувчи:

Н. ЛАРИН.

(«Сельская жизнь» газетасидан).

МАШЪАЛ ПАХТАКОРЛАР

Муҳсинжон Ортиқов Улуғ Ватан уруши бораётган оғир кунларда бригадир бўлганди. Ўша кезларда ҳали ёш бола бўлган Муҳсинжон қийин, машаққатли йўлни босиб ўтди. Қийинчиликлар, оловли кунларда чиниқиб, уста пахтакор бўлиб етишди.

Бирор йил йўқки Муҳсинжон Ортиқов бригадаси планни бажармаган бўлсин. Кейинги йилларда бу серҳаракат бригадирнинг номи фақат Бекобод районидагина эмас, балки областда ҳам кўп эшитиладиган бўлиб колди. Олтмиш биринчи йил бошида у 1-«Далварзин» совхозининг Марказий агроучасткасига бошлиқ қилиб тайинланди.

Агроучастка коллективи олдида жуда муҳим вазифа турарди. Участкада ташкил қилинган 3 бригада 336 гектар ердан энг кўп, энг арзон ҳосил олиб, совхоз пахтакорларига намуна бўлиши керак эди. Бу вазифани бажариш учун ер экишга пухта тайёрланди. Чигит текис ундирилиб, ҳар гектар ерда нормал кўчат сақлаб қолинди. Бу — мўл ҳосил етиштириш йўлида ҳал қилувчи тадбир бўлди.

Агроучастка коллективи ҳамма пахтакорларга намуна бўладиган иш қилди. Ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил олинди. Ўртоқ Олимжон Исроилов бошлиқ бригада эса 118 гектар ерда 38,5 центнердан «оқ олтин» кўтарди.

Шу кунларда агроучастка коллективи 1962 йил мўл ҳосили учун пухта ҳозирлик кўрмоқда. Экин майдонлари 1961 йил кузида сифатли шудгор қилинган. Ҳозир далага ғўнг ташилмоқда. Ариқ-зовурлар, карта четлари тартибга солинмоқда.

Ўртоқ Ортиқовнинг айтишича, бу йил агроучастка пахтакорлари ҳосилдорликни 40 центнерга кўтариш учун курашаяптилар. Бу мажбуриятни бажариш учун кўп иш қилиш керак. Кўчат сонини гектар бошига 4—5 минг тун кўпайтириш, ерни маҳаллий ва минерал ўғит билан яхшилаб семиртириш, тўла гектар учун курашни бутун йил бўйи бўшаштирмаслик керак. Ўртоқ М. Ортиқов бошлиқ машъал пахтакорлар ана шу эрзумид билан ишламоқдалар.

С. СУЛТОНОВ..

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25888. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334 ва 33262.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р 02021. Нашр. Г. — 1508.